

2  
С52



**Исломнинг  
беш устуни**

**РЎЗА**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-  
ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

С. СИДДИҚОВ, У. МИРСОДИҚОВ,  
Ж.КАРИМОВ,

*ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ:*

# РЎЗА



Тошкент ислом университети  
нашриёт-матбаа бирлашмаси

Тошкент — 2017

MUHAMMAD AL-KHORAZMIY NOMIDA  
TOSHKENT AXBOROT  
TEKNOLOGIYALARI UNIVERSITETI

398228

AXBOROT RESURSLAR MARKAZI

УЎК: 28

КБК: 86.38

С 32

Сиддиқов, С.

Ислоннинг беш устунн: рўза [Матн] / С.Сиддиқов, У.Мирсодиқов, Ж.Каримов - Тошкент : Тошкент ислом университети, 2017. - 88 б.

КБК: 86.38

*Масъул муҳаррир:*

*Ж.Нажмиддинов – Исломиунослик  
шмий-тадқиқот маркази директори в.б.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 5025-сонли хулосаси асосида нашрга тавсия этилди.*

ISBN 978-9943-4962-2-4

© Тошкент ислом университети  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017.

## РЎЗАНИНГ ФАЗИЛАТ ВА ҲИКМАТЛАРИ

“Рўза” арабчада “савм”, “сиём” деб номланиб, луғатда “бир нарсадан ўзини тиймоқ, сақланмоқ” маъноларини билдиради. Шариат истилоҳида эса тонг отгандан то куёш ботгунча емоқ, ичмоқ, жинсий яқинликлардан ўзини тийишни англатади. Рўза исломнинг беш асосидан биридир. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

“Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (*уммат*)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (*у сабабли*) тақволи бўлсангиз”.  
(*Бақара сураси, 183-оят*)

Бу оятдан маълум бўладики, рўза тутиш ибодати Одам (алайҳис-салом)дан бошлаб то Муҳаммад (соллаллоху алайҳи васаллам) даврларигача ўтган барча пайғамбар ва умматларга фарз қилинган.



Рўза барча динларда қадимдан бор бўлган ибодатдир. Лекин уни адо этиш турлича бўлган. Баъзи динларда маълум овқатлардан ўзини тийиб юриш ҳам рўза дейилган. Аллоҳ мусулмонларга Рамазон рўзасини фарз қилди. Имкони бўла туриб рўзани узрсиз тарк қилиш гуноҳи кабира ҳисобланади.

Рамазон оyi рўзасини тутиш иккинчи ҳижрий санада фарз қилинган. Бу ҳақида Қуръони каримнинг қуйидаги ояти нозил бўлган:

شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ فَمَنْ شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ...

“Рамазон оyi – одамлар учун хидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир. Бас, сизлардан ким бу ойда (ўз яшаш жойида) ҳозир бўлса, рўзасини тутсин ...”. (Бақара сураси, 185-оят)

Рўза фарз бўлган дастлабки пайтда унинг ҳукми ва қоидалари бир оз бошқача бўлган. Унга кўра, ифтор вақти қуёш ботгандан то хуфтон намози вақти киргунча бўлган. Агар ўша вақт ичида ифтор қилиб олинмаса, ундан кейин яна ифтор вақти келмагунча еб-ичишга рухсат берилмаган. Шунингдек, рўза пайтида кечаси

эру хотин жинсий яқинлик қилишлари мумкин эмас эди. Бу эса ўша давр мусулмонларида бир оз қийинчилик туғдирди. Рўза тутишга оид мазкур илк ҳукмлар замирида Аллоҳ таолонинг кўплаб ҳикматлари мавжуд эди. Улар сабабли мусулмонлар бу улуғ ибодатни ҳар томонлама, ҳам руҳан, ҳам жисман мукаммал бажаришга тайёрланиб бордилар. Мазкур ҳолатлар ҳадиси шарифда қуйидагича баён қилинади.

Баро (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: *“Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг саҳобаларидан бирортаси рўзадор ҳолда ифторга келса-ю, лекин ифтор қилмай ухлаб қолса, то эртаси кун кун ботгунча унга ейиш ҳам, ичиш ҳам, жинсий алоқа ҳам мумкин эмас эди (Рамазон рўзасини тутиш фарз бўлган дастлабки даврда шундай эди). Қайс ибн Сармат ал-Ансорий деган саҳоба рўзадор эди. Ифтор вақти бўлганда хотинининг олдига келиб: “Егани бирор нарсанг борми?” – деб сўради. Хотини: “Йўқ, лекин, сиз учун бирон егулик топиб келаман”, – деди. Кун билан ишлагани сабабли Қайс чарчаб, кўзи уйқуга кетди. Хотини келиб қараса, ифтор қилмай ухлаб қолибди. Шунда хотини: “Ифтордан маҳрум бўлибсиз-ку!” – деди. Қайс ибн Сармат эртасига ҳам рўзани давом*

*эттирди. Кун ярим бўлган пайтда очликдан хушдан кетиб қолди. Кейин бу воқеани Пайгамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) га айтиб беришди. Шунда “Сизларга рўза кечасида хотинларингиз билан қовушиш ҳалол қилинди”, деган оят нозил бўлди. (Бақара сураси, 187-оят) Бундан саҳобийлар жуда хурсанд бўлдилар. Сўнг “Шунингдек, тонггача, яъни оқ иннинг қора индан (тонгнинг тундан) ажраладиган вақтигача еб-ичаверингиз”, – ояти ҳам нозил бўлди”. (Бухорий ривояти)*

Мана шу тарзда Аллоҳ таоло рўза тутишга оид бир оз қийин бўлган ҳукмларни бекор қилиб, Ўз марҳамати билан бандаларига енгиллик яратди. Рамазон рўзаси кечаларида ҳам хотинларга жинсий яқинлик қилиш ҳамда ифтордан кейин то тонг отгунча еб-ичишга рухсат берди. Бу лутфу марҳаматдан мўмин мусулмонлар беҳад шод бўлдилар.

Муҳаммад (соллаллоху алайҳи васаллам)га ваҳий келиб, Рамазон рўзаси фарз қилингунча ҳам рўза тутганлари ҳадиси шарифларда зикр этилган. Жумладан, у зот Ашуро куни Қурайш қавми билан рўза тутар эдилар:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، قَالَتْ: «كَانَ يَوْمُ عَاشُورَاءَ تَصُومُهُ قُرَيْشٌ فِي الْجَاهِلِيَّةِ، وَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصُومُهُ، فَلَمَّا قَدِمَ الْمَدِينَةَ صَامَهُ وَأَمَرَ بِصِيَامِهِ، فَلَمَّا نَزَلَ رَمَضَانَ كَانَ رَمَضَانَ الْفَرِيضَةَ وَتُرِكَ عَاشُورَاءُ، فَكَانَ مَنْ شَاءَ صَامَهُ وَمَنْ شَاءَ لَمْ يَصُمْهُ».

(رواه البخاري ومسلم)

Оиша (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: *“Қурайш жоҳилият даврида Ашуро куни рўзасини тутар эди. Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам унинг рўзасини тутар эдилар. Мадинага келганларида ҳам Ашуро рўзасини тутдилар ва тутишига буюрдилар. Рамазон рўзаси фарз бўлганда эса Ашуро рўзаси тарк қилинди. Уни ким хоҳласа тутар, ким хоҳласа тутмас эди”*. (Бухорий ва Муслим ривояти)

Рамазон ойидаги фарз рўзадан ташқари бир неча нафл рўзалар ва уларнинг савоблари ҳақида ҳам ҳадисларда зикр этилган. Жумладан, шаввол ойида олти кун, муҳаррам ойидаги ашуро рўзаси, ражаб ва шаъбондаги нафл рўзалар, зулҳижжа ойининг ўн куни, ҳар ойда уч кун душанба ва пайшанба кунлари рўза тутиш фазилатли ва солиҳ амаллардан ҳисобланади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом)дан рўза ва Рамазон ойининг фазилати ҳақида кўплаб ҳадислар келтирилади. Жумладан:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ، قَالَ : لَمَّا حَضَرَ رَمَضَانَ ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « قَدْ جَاءَكُمْ رَمَضَانُ ، شَهْرٌ مُبَارَكٌ ، افْتَرَضَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ صِيَامَهُ ، تَفْتَحُ فِيهِ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ ، وَتُغْلَقُ فِيهِ أَبْوَابُ الْجَحِيمِ ، وَتُغَلُّ فِيهِ الشَّيَاطِينُ ، فِيهِ لَيْلَةٌ خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ ، مَنْ حُرِمَ خَيْرَهَا ، قَدْ حُرِمَ ». (رواه أحمد).

Абу Ҳурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Пайғамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) Рамазон келганда (саҳобаларга хуш хабар бериб): “Сизга муборак Рамазон ойи келди. Аллоҳ сизга унинг рўзасини тутмоқни фарз қилди. Унда жаннат эшиклари очилур, жаҳаннам эшиклари эса ёпилур ва шайтонлар кишанланур. Унда Аллоҳнинг бир кечаси бўлиб, у минг кечадан яхшидир. Ким у кечанинг яхшилигидан маҳрум бўлса, батаҳқиқ маҳрум бўлибди”, – дедилар. (Аҳмад ривояти)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: قَالَ اللَّهُ: كُلُّ عَمَلِ ابْنِ آدَمَ لَهُ إِلَّا الصِّيَامَ فَإِنَّهُ لِي وَأَنَا أَجْزِي بِهِ وَالصِّيَامُ جُنَّةٌ وَإِذَا كَانَ يَوْمُ صَوْمِ أَحَدِكُمْ فَلَا يَرْفُثُ وَلَا يَصْخَبُ فَإِنْ سَابَّهُ أَحَدٌ أَوْ قَاتَلَهُ فَلْيَقُلْ إِنِّي أَمْرٌ صَائِمٌ وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَخُلُوفُ فَمِ الصَّائِمِ أَطْيَبُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ رِيحِ الْمِسْكِ لِلصَّائِمِ فَرْحَتَانِ يَفْرَحُهُمَا إِذَا أَفْطَرَ فَرِحَ وَإِذَا لَقِيَ رَبَّهُ فَرِحَ بِصَوْمِهِ (رواه البخاري ومسلم)

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): *“Аллоҳ таоло: “Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза мен учундир. Унинг мукофотини Ўзим бераман”, – деди. Рўза сақловчидир. Қачон қайси бирингиз рўзадор бўлса, фаҳи сўзлар гапирмасин ва бақир-чақир қилмасин. Агар бирортаси у билан сўкишмоқчи, уришмоқчи бўлса, “Мен рўзадорман”, десин. Муҳаммаднинг эсони кўлида бўлган зот ила қасамки, албатта, рўзадор оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан хушбўйроқдир. Рўзадор учун уни шод қиладиган икки хурсандчилик бордир: Қачон ифтор қилса хурсанд бўлгай ва қачон Раббиси билан (охиратда) юз кўришганда рўзаси ила хурсанд бўлгай”, – дедилар”.* (Бухорий ва Муслим ривояти)

Бошқа бир ривоятга кўра: *“Одам боласининг ҳамма амалларининг савоби кўпайтириб берилур. Бир яхшиликка унинг ўн мислидан то етти юз баробаригача дейилган. Аллоҳ: “Магар рўза мен учундир. Унинг мукофотини Мен берурман. Одам боласи шаҳвати ва таомини Мен учун тарк қилур”, – деган. Демак, инсоннинг рўзадан ташқари ҳамма амали ўзи учун бўлади. Чунки бошқа барча амалларда киши хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам атрофидагилар кўриб, билиб туради. Мисол*

учун, намоз ўқиган одам жой танлаганда, намоз ўқиётганда бошқалар кўриб, бу одам намоз ўқияпти, яхши одам экан, деб хурмати ошади. Закот ҳам шундай. Рўза ибодатида эса бундай ҳолатлар умуман кузатилмайди. Ташқаридан қараганда то “мен рўзадорман”, демагунча кимнинг рўзадор экани билинмайди.

Тўрт фикҳий мазҳаб ҳамда барча мужтаҳид уламолар Рамазон ойида рўза тутишнинг фарз эканига бир овоздан яқдиллик билан ижмоъ қилганлар. Бу борада улар ўртасида ҳеч қандай ихтилоф йўқ.

## РЎЗАГА ҚАНДАЙ САВОБ ВА МУКОФОТ БЕРИЛАДИ?

Рўзадорларга бу дунё ва охирада жуда кўплаб ажр-мукофотлар борлиги ҳадиси шарифларда баён этилган.

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ :  
إِنَّ لِلْجَنَّةِ ثَمَانِيَةَ أَبْوَابٍ ، فِيهَا بَابٌ يُسَمَّى الرَّيَّانُ لَا يَدْخُلُهُ إِلَّا  
الصَّائِمُونَ. أَخْرَجَهُ الْبُخَارِيُّ

Саҳл ибн Саъд (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: *“Пайгамбар (соллаллоху алайҳи васаллам): “Жаннатнинг саккиз эшиги бўлиб, улардан бир эшик Райён*

деб номланади. Ундан фақат рўзадорлар кирадилар”, – дедилар”. (Бухорий ривояти)

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، قَالَ : أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ مُرْنِي بِأَمْرٍ يَنْفَعُنِي اللَّهُ بِهِ قَالَ : «عَلَيْكَ بِالصَّوْمِ فَإِنَّهُ لَا مِثْلَ لَهُ» (رواه النسائي).

Абу Умома (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг ҳузурларига бориб: “Эй, Аллоҳнинг расули, менга Аллоҳ манфаат берадиган бир ишни буюринг”, – дедим. У зот: “Рўзани лозим тут, унинг ўхшаши йўқдир”, – дедилар”. (Насоий ривояти)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « مَنْ صَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ » (متفق عليه).

Абу Ҳурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) шундай деганлар: “*Ким Рамазонда имон билан савоб умидида рўза тутса, унинг олдинги ва кейинги гуноҳлари кечирилади*”. (Муттафақун алайҳ)

Муҳаддис уламолар мазкур ҳадисдаги “имон билан” иборасини Аллоҳга имон келтириб, рўзанинг фарз эканини эътироф



этиш, деганлар. “Савоб умидида” сўзини эса рўза тутишда ихлос, сабр-қаноат билан савоб ва ажрни умид қилиш, деб шархлаганлар.

Мазкур ибодатга бериладиган ажр-мукофотлардан яна бири, рўза рўзадорни қиёмат куни шафоат қилишидир. Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг шундай деганларини ривоят қилган: *“Рўза ва Қуръон бандани қиёмат куни шафоат қилади. Рўза: “Эй Раббим! Мен уни таом ва шаҳватдан тўсган эдим, мени деб уни шафоат қил”, – деса, Қуръон: “Мен уни кечаси уйқудан тўсган эдим. Мени деб уни шафоат қил”, – дейди. Бас иккови шафоат қилади”*.

## РЎЗАНИНГ ҚАНДАЙ ҲИКМАТЛАРИ БОР?

Рўзанинг инсон учун фойда ва ҳикматлари жуда ҳам кўп. У кишиларни турли моддий ва маънавий иллатлардан ҳам жисман ҳам руҳан покланишларига сабаб бўлади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): *“Кимки ёлгон гапиришни ва унга амал қилишни тарк этмаса, унинг фақат еб-ичишини тарк қилишига Аллоҳ муҳтож эмас”,* – деганлар. (Бухорий ривояти)

Рўзанинг энг асосий ҳикматларидан бири, очликни ҳис этиб, муҳтож ва камбағалларга нисбатан меҳр-мурувватли бўлиш. Бир ривоятда келишича, Юсуф (алайҳис-салом)га: “*Ер хазиналари қўлингда бўла туриб, нима учун оч юрасан?*” – дейилганда у киши: “*Очларни унутиб қўйишдан қўрқаман*”, – деганлар.

Абу Сулаймон Дороний: “*Агар нафс оч қолса ва чанқаса қалб покланади ва юмшайди. Агар у тўқ бўлса, қалб кўр бўлади*” – деган.

Улуғ зотлардан бири: “*Очлик охираат калити ва зуҳд эшигидир. Тўқлик эса дунё калити ва рағбат эшигидир*”, – деган.

Луқмони Ҳаким ўғлига: “*Эй ўғлим, агар қорин тўқ бўлса, фикр ухлайди, ҳикмат тилдан қолади ва аъзолар ибодатдан тўхтайди*”, – деган.

Абу Язид Бистомий (р.х.а.): “*Очлик булутга ўхшайди, агар банда оч бўлса, қалбга ҳикмат ёмғирдай ёгилади*”, – деган.

Имом Шиблий (р.х.а.): “*Аллоҳ учун бир кун оч юриб, қалбимда олдин кўрмаган ҳикмат ва ибрат эшиги очилганини кўрдим*”, – деган.

## РЎЗАНИНГ РУҲИЙ ВА МАЪНАВИЙ ФОЙДАЛАРИ

Рўзанинг қатор руҳий ва маънавий фойдалари бўлиб, бу ҳақда уламолар алоҳида асарлар ҳам битганлар. Улардан энг асосийлари қуйидагилар:

- рўзадор инсон ўз нафсини турли ҳаваслардан жиловлаб, тана аъзоларини ҳаром ва гуноҳлардан сақлайди;
- рўза сабаб банда Раббиси билан боғланади. Рўзадор киши Аллоҳни доимо ҳис қилиб туради. Бу эса киши қалбини поклаб, ундаги эзгу туйғулар ва самимиятни зиёда қилади;
- рўза туфайли инсон шайтоннинг турли васваса ва ёмонликларидан сақланади;
- рўза инсонни Аллоҳ таоло берган неъматларига шукр қилиш ва уларнинг қадрига етишга ўргатади. Зеро, Қуръони каримда шундай дейилган: “...ва шукр қилишингиз учундир” (Бақара сураси, 185-оят);
- Қуръон оятида: “...шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз”, – деб зикр қилинганидек, рўза инсонни тақвога, яъни моддий ва маънавий жиҳатдан сабр-тоқатли бўлишга ўргатади;
- рўза кишини сабр-бардошли ва иродали бўлишга ундайди;
- рўзадорнинг оғзидаги хид Аллоҳ наздида мушқдан ҳам хушбўйроқ;

- рўзадор инсонда раҳм-шафқат сифати кучаяди. У ихтиёрий оч қолиб, қавм-қариндош, бева-бечора ва камбағалларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлиб, доимо уларга яхшилик қилиш кераклигини қалбан ҳис қилиб туради;
- рўза туфайли Аллоҳ таоло рўзадорнинг гуноҳларини кечиради;
- рўза тутган кишининг дуолари ижобат бўлади;
- рўзадор Аллоҳнинг наздида фаришталар даражасига кўтарилади;
- рўза дунё ва охираат бахтига эришиш сабабидир;
- рўзадорларга беҳисоб ажр-мукофотлар берилади;
- рўза рўзадорни қиёматда шафоат қилади;
- рўза бандани жаҳаннамдан сақловчидир;
- рўзадорлар жаннатга унинг “Райён” номли эшигидан кирадилар.

## РЎЗАНИНГ ТИББИЙ ФОЙДАЛАРИ

Бугунги кунда замонавий тиббиёт рўзанинг инсон саломатлигига жуда кўп фойдалари мавжудлигини исботламоқда. Ҳатто табиблар ўнлаб беморларни вақтинча оч қолдириш йўли билан муваффақиятли даволамоқдалар. Рўза инсондаги касалликларга қарши иммунитетни кучайтиради, ортиқча семириб кетишнинг

олдини олади, ошқозон-ичак касалликлари, юрак, буйрак, қон-томир, тери хасталикларини даволашда жуда яхши самара беради. Шунингдек, рўза тутиш хотирани мустаҳкамлайди, инсон онгида ижобий фикрлар уйғонишига сабаб бўлади, кўриш қобилиятини яхшилайдди, қондаги қанд миқдорини меъёрлаштиради, қон қуюқлашишининг олдини олади ва ундаги холестеринни камайтиради, танадаги турли оғриқларни йўқотади. Рўза тутган киши кун давомида оч юрганда, шу муддат ичида унинг танасида йиғилиб қолган кераксиз моддалардан организм бутунлай халос бўлиб, ўз қувватини тиклайди.

Буюк ватандошимиз, тиб илми ривожига улкан ҳисса қўшган Ибн Сино турли касалликлардан азият чекиб олдида даво излаб келган кўплаб бемор кишиларни очлик ва парҳез йўли билан даволагани манбаларда зикр этилган.

Бугунги кунда ҳам дунёдаги кўзга кўринган кўплаб табиблар беморларни мана шу услуб билан муолажа қилмоқда. Жумладан, Нобель мукофотига сазовор бўлган япониялик дунёга машхур табиблардан бири Йошинори Осуми олиб борган тадқиқотларга кўра, инсон организми рўза тутиб оч қолганда, тана қафасларидан чиқадиган зарарли бактерияларни ҳазм қилади. Бу эса инсон организмни турли зарарлардан халос бўлишга сабаб бўлади.

Шунингдек, машхур рус табиблари профессор Ю.С.Николаев ва Е.И.Ниловнинг “Простые истины” (Оддий ҳақиқатлар) китобининг “Соғлик учун оч-наҳор юриш” деб номланган бобида рўзанинг фойдалари санаб ўтилган. Унда айтилишича, ихтиёрий очлик билан мажбурий очликнинг фарқи бор. Мажбурий очлик қароқчининг пичоғидек зарарга, ҳалокатга сабаб бўлса, ихтиёрий очлик табибнинг пичоғидек шифога сабаб бўлади.

Америкалик мутахассис Пол Брегг ўзининг эллик йиллик шахсий тажрибасидан келиб чиқиб “Мўъжизакор очлик” деган китобини ёзди. Дунёдаги кўплаб тилларга таржима қилинган бу китоб рўза инсон соғлиги учун энг зарур омил эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Мазкур илмий тадқиқотлар натижасида рўза ҳозирги энг кўп тарқалган дардларга даво экани, киши доим соғ юрай деса, ҳар йили 28-30 кун ихтиёрий оч қолиши зарурлиги таъкидланган. Рўзага оид ушбу ҳақиқатлар бундан ўн тўрт аср илгари Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: «*Рўза тунинглар, саломат бўласизлар*», – деган ҳадиси шарифининг илмий тасдиғидир. (Табароний ривояти)

## РАМАЗОН ОЙИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Аллоҳ таоло Ўзининг улуғ ҳикмати билан яратган нарсаларининг бирини бошқасидан фазилатлироқ қилди. Жумладан, Рамазон ойи ҳам бошқа ойлар ичида, худди қуёш юлдузлар орасида афзал бўлгани каби, кўплаб фазилат ва ўзига хос хусусиятларга эга.

1. Бу ойда Аллоҳ таоло Қуръонни Лавҳул маҳфуздан дунё осмонига нозил қилди:

شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ  
الْهُدَى وَالْفُرْقَانِ

“Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир...”. (Бақара сураси 185-оят)

عَنْ وَائِلَةَ بْنِ الْأَسَدِ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ -صلى الله عليه وسلم- قَالَ:  
أُنزِلَتْ صُحُفُ إِبْرَاهِيمَ -عليه السلام- فِي أَوَّلِ لَيْلَةٍ مِّنَ  
رَمَضَانَ، وَأُنزِلَتْ التَّوْرَةُ لَيْسَتْ مَضِينٍ مِّنَ رَمَضَانَ، وَالْإِنْجِيلُ  
لِثَلَاثِ عَشْرَةَ خَلَّتْ مِّنَ رَمَضَانَ، وَأُنزِلَ الْفُرْقَانُ لِأَرْبَعِ  
(وَعِشْرِينَ خَلَّتْ مِّنَ رَمَضَانَ . (رواه أحمد

Восила ибн Асқоъ (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи васаллам): *“Иброҳим (алайҳиссалом) га саҳифалар Рамазон ойининг биринчи кечаси нозил бўлган, Таврот Рамазон ойининг олтинчи куни, Инжил ўн учинчи куни нозил бўлган. Фурқон (Қуръон) эса Рамазоннинг йигирма тўртинчи куни нозил қилинган”*, – дедилар”. (Аҳмад ривояти)

Мазкур ҳадиснинг мазмунидан Аллоҳ таоло нафақат Қуръони карим, балки Ўзининг башарият учун ҳидоят манбаи бўлган аввалги илоҳий китобларини ҳам айнан Рамазон ойида нозил қилгани, бу ойнинг нақадар фазилатли ва баракотли эканлиги маълум бўлади.

2. Аллоҳ таоло ушбу ойнинг рўзасини фарз қилди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

“Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз”. (Бақара сураси 183-оят)

Рамазон ойи ҳадиси шарифда зикр этилганидек уч даҳага бўлинган:



عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: إن أول الشهرِ رَحْمَةٌ ، وأوسطه مَغْفِرَةٌ ، وآخِرُهُ عِتْقٌ مِنَ النَّارِ. (رواه ابن أبي الدنيا و ابن خزيمة)

Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи васаллам): *“Дарҳақиқат, Рамазон ойининг аввали раҳмат, ўртаси мағфират, охири дўзахдан озодлик (қуллари)дир”*, – дедилар”. (Ибн Абуддунё ва Ибн Хузайма ривояти)

Мана шу серфазилат, сербарака уч даҳада мукулмонлар кундузи рўзадор ва кечалари ибодат билан Аллоҳ таолога боғланиб, гуноҳ-маъсиятлардан покланадилар. Шунингдек, бу ойнинг шарофати сабаб кишилар бир-бирларига меҳр кўрсатиб, яхшиликлар қилиб, дилларидаги ҳасад, адоват ва гина-қудратни унутиш билан юксак ахлоқий сифатларга эга бўладилар.

“Рамазон” сўзи араб ёзувида беш ҳарфдан иборат. Унинг ҳар бир ҳарфига уламоларимиз шундай маъно берганлар. “Ро” – “раҳмат”, “мим” – “мағфират”, “зод” – “зимонун лилжаннат” (жаннатга кириш учун кафолат), “алиф” – “аманун минаннар” (дўзахдан омонлик), “нун” – “нурун миналлоҳ” (Аллоҳ томонидан нур) маъноларини англатади.

Бу ой тавба ва мағфират ойи бўлиб, унда гуноҳ-маъсият ва ёмонликлар ўчирилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ  
 الصَّلَوَاتُ الْخَمْسُ وَالْجُمُعَةُ إِلَى الْجُمُعَةِ وَرَمَضَانُ إِلَى رَمَضَانَ  
 مُكْفَرَاتٌ مَا بَيْنَهُنَّ إِذَا اجْتَنَبَ الْكَبَائِرَ . (رواه مسلم).

Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи васаллам): *“Агар катта гуноҳлардан сақланиб юрилса, беш вақт намоз, жума намози ўзидан кейинги жума намозигача, Рамазон келгуси Рамазон ойигача ўртада қилинган гуноҳлар учун каффорот бўлади”*, – дедилар”. (Муслим ривояти)

3. Рамазон ойида жаннат эшиклари очилиб, дўзах эшиклари ёпилади ҳамда шайтонлар кишанланади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ، قَالَ : إِذَا جَاءَ رَمَضَانُ فَتَحَتْ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ ، وَغُلِقَتْ أَبْوَابُ النَّارِ ، وَصُفِّدَتِ الشَّيَاطِينُ . (متفق عليه).

Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи васаллам): *“Қачон Рамазон келса, жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилади ва шайтонлар кишанланади”*, – дедилар”. (Муттафақун алайҳ)

Бу Аллоҳнинг бандаларига ато этган улуғ фазлу марҳамати бўлиб, улар ўз нафсларини

жиловлаб, жин-шайтонларнинг макр-хийлаларидан сақланадилар.

4. Бу ойнинг яна бир фазилати шуки, аввалдан дўзахга тушишга лойиқ бўлиб қолган бандалардан баъзилари Рамазони шариф туфайли Аллоҳ томонидан кечирилиб, дўзахдан озод қилинади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ، قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ :  
« إِذَا كَانَ أَوَّلُ لَيْلَةٍ مِنْ شَهْرِ رَمَضَانَ ، صُفِّدَتِ الشَّيَاطِينُ  
وَمَرَدَةُ الْجِنِّ ، وَغُلِّقَتْ أَبْوَابُ النَّارِ فَلَمْ يُفْتَحْ مِنْهَا بَابٌ ، وَفُتِّحَتْ  
أَبْوَابُ الْجَنَّةِ فَلَمْ يُغْلَقْ مِنْهَا بَابٌ ، وَيُنَادِي مُنَادٍ يَا بَاغِيَ الْخَيْرِ  
أَقْبِلْ ، وَيَا بَاغِيَ الشَّرِّ أَقْصِرْ ، وَلِلَّهِ عِتْقَاءُ مِنَ النَّارِ وَذَلِكَ كُلُّ  
لَيْلَةٍ (رواه الترمذي والنسائي وابن ماجه وابن خزيمة وابن  
حبان والحاكم)

Абу Ҳурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи васаллам): *“Қачонки, Рамазоннинг илк кечаси кирса, шайтонлар ва жинларнинг исёнкорлари занжирбанд қилинади. Дўзах эшиклари ёпиб қўйилади. Улардан битта эшик ҳам очилмайди. Жаннат эшиклари очиб қўйилади ва улардан битта ҳам эшик ёпилмайди. Бир нидо қилувчи: “Эй яхшилик талабгори, савоб ишларга кириш! Эй ёмонлик талабгори, гуноҳ ишлардан тийил!” – деб,*

нидо қилиб туради. Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинадиган бандалари бор бўлиб, (Рамазоннинг) ҳар кеча(си) шундоқ бўлур”. (Термизий ва Насоий, Ибн Можа, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоқимлар ривояти)

Рамазон ойи том маънода сабр-қаноат ойи бўлиб, бошқа ибодатлар рўзачалик кишини сабрга ўргата олмайди. Рўза ибодати сабаб мусулмон киши ўзини шаҳватдан ва яхши кўрган турли нарсаларидан тияди, сабр қилади. Шунинг учун рўза сабрнинг ярмидир, унинг мукофоти эса жаннатдир:

إِنَّمَا يُوفَّى الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ

“Албатта, сабр қилувчиларга (охиратда) мукофотлари беҳисоб берилур”. (Зумар сураси 10-оят)

5. Бу ой дуолар ижобат бўладиган ойлардан бўлиб, Аллоҳ таоло кўл кўтариб дуо қилган бандаларининг барча сўраган нарсаларини ато этади. Бу борада Куръони каримда шундай дейилади:

وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ...

“Сиздан (эй, Муҳаммад!) бандаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен

уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман”. (Бақара сураси, 186-оят)

Рамазон ойининг ҳар кунида қабул бўладиган бир дуо бор.

عن أبي هريرة رضي الله عنه ، عن النبي صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قال: « إِنَّ اللَّهَ عَتَقَاءَ فِي كُلِّ يَوْمٍ وَلَيْلَةٍ ، وَإِنَّ لِكُلِّ مُسْلِمٍ فِي كُلِّ يَوْمٍ دَعْوَةَ مُسْتَجَابَةً » (رواه أحمد والبزار والطبراني)

Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Пайғамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) марҳамат қилиб дедилар: “*Албатта, (Рамазоннинг) ҳар кеча(си) ва кундуз(и)да Аллоҳнинг дўзахдан озод қилинадиган бандалар бор ва албатта, ҳар бир мусулмон учун (Рамазоннинг) ҳар кеча ва кундузида қабул бўладиган бир дуо бор*”. (Аҳмад, Баззор, Табароний ривояти) Агар бу дуо рўза пайтида, айниқса, ифтордан бир оз олдин қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бошқа бир ривоятда:

عن أبي هريرة قال: قال رسول الله صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ :  
ثَلَاثَةٌ لَا يَرُدُّ دَعَاؤُهُمْ الْإِمَامُ الْعَادِلُ ، وَالصَّائِمُ حَتَّى يُفْطَرَ ،  
وَدَعْوَةُ الْمَظْلُومِ». (رواه ابن ماجه والترمذي وأحمد  
والبيهقي).

Абу Хурайра (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) айтадилар: *“Уч кишининг дуоси қайтарилмайди: “Адолатли имом, рўзадор то ифтор қилгунича ва мазлумнинг дуоси”, – дедилар*”. (Ибн Можа, Термизий, Ахмад, Байҳақий ривояти)

Рамазон ойида Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) ўқиган дуолар:

1. Янги ой чиққанда. Талха ибн Убайдуллоҳ (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) янги чиққан ойни кўрсалар:

عَنْ طَلْحَةَ بْنِ عُبَيْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: كَانَ إِذَا رَأَى الْهَيْلَالَ، قَالَ اللَّهُمَّ أَهْلِلْهُ عَلَيْنَا بِالْإِيمَانِ وَالْإِيمَانِ وَالسَّلَامَةِ وَالْإِسْلَامِ رَبِّي وَرَبُّكَ اللَّهُ» (رواه الدارمي والترمذي)

“Аллоҳумма ахиллаҳу алайна билйумни вал иймани вассаламати вал ислам. Роббий ва Роббука Аллоҳ”, – деб айтардилар. (Маъноси: Эй Аллоҳим, бизга бу ойни баракотли, имон, саломатлик ва ислом ойи қил. (Эй ҳилол!) Менинг раббим ҳам, сени раббинг ҳам Аллоҳдир). (Доримий ва Термизий ривояти)

2. Ифтор пайтида қилинадиган дуолар.

عَبْدُ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ يَقُولُ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ لِلصَّائِمِ عِنْدَ فِطْرِهِ لَدَعْوَةَ مَا تُرَدُّ» (رواه ابن ماجه)

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): *“Албатта рўзадор учун оғиз очиши пайтида рад қилинмайдиган дуо бордир!”* – дедилар. (Ибн Можа ривояти)

عن عبد الله بن عمر رضي الله عنهما قال: كان رسول الله صلى الله عليه وسلم إذا أفطر قال: «ذَهَبَ الظَّمَأُ، وَابْتَلَّتِ العُرُوقُ، وَتَبَّتِ الأَجْرُ إِنِ شَاءَ اللهُ» (رواه أبو داود والنسائي).

Абдуллоҳ Ибн Умар (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) қачон ифтор қилсалар: *“Заҳабаз замаъу ваб таллатил уруқу ва сабатал ажру иншааллоҳ”*, яъни *“Чанқоқ кетди, томирлар хўлланди ва, иншааллоҳ, ажр собит бўлди”*, – дер эдилар”. (Абу Довуд ва Насайй ривояти)

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا أَفْطَرَ قَالَ اللَّهُمَّ لَكَ صُفْتُ وَعَلَى رِزْقِكَ أَفْطَرْتُ (رواه أبو داود والطبراني).

Анас ибн Молик (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Пайғамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) қачон ифтор қилсалар: *“Бисмиллаҳи. Аллоҳумма лака сумту ва ала ризқика афторту”*, яъни *“Аллоҳ номи ила. Эй бор Худоё, Сен учун рўза тутдим ва Сен берган ризқ ила ифтор қилдим”*, дер эдилар. (Абу Довуд ва Табароний ривояти)

عَنْ أَنَسٍ : « أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَاءَ إِلَى سَعْدِ بْنِ عُبَادَةَ ، فَجَاءَ بِخُبْزٍ وَزَيْتٍ ، فَأَكَلَ ، ثُمَّ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : ( أَفْطَرَ عِنْدَكُمْ الصَّائِمُونَ ، وَأَكَلَ طَعَامَكُمْ الْأَبْرَارُ ، وَصَلَّتْ عَلَيْكُمُ الْمَلَائِكَةُ ) (رواه أبو داود).

Анас (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Пайғамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) Саъд ибн Убоданикига ифтор қилгани борганларида, у нон ва ёғ қўйди. Пайғамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) улардан тановул қилиб, сўнг: “Афтора индакум асоимуун ва акала тоамакум ал-аброру ва соллат алайкумул малоика”, яъни, “Хузурингизда рўзадорлар ифтор қилдилар, таомингизни яхшилар едилар ва фаришталар сизга салавот айтдилар”, – дедилар”. (Абу Довуд ривояти)

Рамазон Қуръон тиловати, зикр ва истиғфор ойидир. Расулуллоҳ (соллаллоху



алайҳи васаллам) бу ойда Қуръонни Жаброил (алайҳис-салом)га тўлиқ ўқиб берар эдилар. Вафот топадиган йилларида эса Қуръонни бу улуғ фариштага икки марта ёддан ўқиб берганлар. У зот Рамазон ойида Қуръон тиловатини кучайтириб, тунги намоздаги қироатларни узайтирардилар. Ўтган солиҳларимиз ҳам бу ойда Қуръонни бир неча бор хатм қилишарди.

## ҚАДР КЕЧАСИ ФАЗИЛАТЛАРИ

Рамазон ойи кечаларининг бирида “Қадр кечаси” яширилган бўлиб, унда қилинган тоат-ибодат ва яхшиликлар бошқа минг ойдаги амаллардан яхшироқдир.

Ушбу кечада Аллоҳ таоло фаришта Жаброил (алайҳис-салом)га Қуръони каримни Лавҳул маҳфуздан дунё осмонига олиб тушишни буюрди. Сўнгра у ердан йигирма уч йил давомида Муҳаммад (соллаллоху алайҳи васаллам)га босқичма-босқич нозил қилинди. Қуръони каримнинг биринчи нозил қилинган “Алақ” сурасининг 5 ояти ҳам айнан Қадр кечаси туширилди. Мана шу бир кечада бажарилган ибодат саксон уч йилдан кўпроқ муддат ичида қилинган ибодатга тенг бўлади. Бор-йўғи бир неча соатлик ушбу кечани ғанимат билиш лозим.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ

“Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир”.

(Қадр сураси 3-оят)

Қадр кечасининг фазилатлари борасида кўплаб ҳадиси шарифлар ривоят қилинган. Жумладан:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ ، قَالَ : دَخَلَ رَمَضَانُ ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « إِنَّ هَذَا الشَّهْرَ قَدْ حَضَرَكُمْ وَفِيهِ لَيْلَةُ خَيْرٍ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ ، مَنْ حُرِمَهَا فَقَدْ حُرِمَ الْخَيْرَ كُلَّهُ ، وَلَا يُحْرَمُ خَيْرَهَا إِلَّا مَحْرُومٌ » (رواه ابن ماجه).

Анас ибн Молик (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: “Рамазон ойи эди, Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) шундай дедилар: *“Сизларга бу ой (Рамазон ойи) кириб келди. Унда бир кеча бўлиб, у минг ойдан яхшидир. Ким ундан бебаҳра қолса, барча яхшиликлардан бебаҳра қолибди. Унинг яхшиликларидан эса фақат маҳрум кимсалар бебаҳра қолурлар”*. (Ибн Можа ривояти)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ - رَضِيَ اللهُ عَنْهُ - قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « مَنْ قَامَ لَيْلَةَ الْقَدْرِ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ ». (متفق عليه)

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи васаллам): *“Қимки Лайлатул Қадр кечасини имон билан савоб умидида бедор ўтказса, унинг (шу кечагача) қилган гуноҳлари кечирилади”,* – дедилар”. (Муттафақун алайҳ)

Қадр кечаси уммати Муҳаммадга хос бўлиб, бошқа умматларга бу кеча берилмаган. Бу сўзни жумхур уламолар ҳам тасдиқлаганлар. Имом Молик “Муватто” асарида ушбу сўзнинг далили сифатида шундай дейди: *“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га олдинги инсонлар умри кўрсатилди. У зот олдинги инсонлар узоқ йилларда қилган амалларни қилишига умматларининг умри кифоя қилмайди деб ўйладилар. Шунда У зотга қадр кечаси берилди”.*

Қадр кечаси ҳадиси шарифларда Рамазон ойининг охирги ўн кунлигига тўғри келиши баён қилинган. Бу борада Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Рамазон ойининг аввалги ўн кунлигида қадр кечасини ният қилиб эътикоф ўтирганлари, сўнг иккинчи ўн кунлигида эътикоф ўтирганлари, кейин У зотга қадр кечаси Рамазоннинг охирги ўн

кунлигида экани маълум қилингани ҳақида саҳиҳ ривоятлар келтирилган.

عن عائشة رضي الله عنها أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: « تَحَرَّوْا لَيْلَةَ الْقَدْرِ فِي الْوَيْثِرِ مِنَ الْعَشْرِ الْأَوَاخِرِ مِنْ رَمَضَانَ ». (رواه البخاري ومسلم والترمذي)

Оиша (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): *“Қадр кечасини Рамазоннинг охирги ўн кечасининг тоқ (кеча)ларида изланглар”*, – дедилар”. (Бухорий, Муслим ва Термизий ривояти)

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ قَالَ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ: « إِنَّهَا لَيْلَةٌ سَابِعَةٌ أَوْ تَاسِعَةٌ وَعِشْرِينَ إِنَّ الْمَلَائِكَةَ تَبْكُ اللَّيْلَةَ فِي الْأَرْضِ أَكْثَرَ مِنْ عَدَدِ الْحَصَى » (رواه أحمد).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) қадр кечаси борасида: *“У 27-ёки 29-кечадир. Ушбу кеча ерда фаришталар сони тошчалар сонидан ҳам кўп бўлади”*, – дедилар. (Аҳмад ривояти)

Ушбу улуғ кечани яшириб қўйишнинг ҳикмати шундаки, бандалар ҳар кечани қадр билиб, уни ибодат билан ўтказишга тарғиб қилишдир. Чунки инсон қадр кечасини айнан

қайси кунда эканлигини билиб олса, ана шу кечада ибодат қилиб қолган кечаларни ғафлагда ўтказиш эҳтимоли бор. Рамазоннинг йигирма еттинчи кечаси қадр кечаси эканлиги борасидаги ривоят уламолар томонидан қувватланган.

Муовия ибн Абу Суфён (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилинади: *“Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Қадр кечаси йигирма еттинчи кечададир”, – дедилар*”. (Абу Довуд ва Аҳмад ривояти)

Демак, Рамазони шарифнинг барча кечаларида бедор бўлиб, ибодат билан ўтказишга ҳаракат қилиш билан бирга, йигирма еттинчи кечага алоҳида эътибор бериш керак.

عَنْ عَائِشَةَ، قَالَتْ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَرَأَيْتَ إِنْ عَلِمْتُ أَيُّ لَيْلَةٍ لَيْلَةُ الْقَدْرِ مَا أَقُولُ فِيهَا؟ قَالَ: قُولِي: «اللَّهُمَّ إِنَّكَ عُفُوٌّ كَرِيمٌ تُحِبُّ الْعَفْوَ فَاعْفُ عَنِّي» (رواه الترمذي).

Оиша (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: *“Ё Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) агар қадр кечасини топишга муваффақ бўлсам нима деб дуо қилай”, – деб сўрадим. У зот (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Эй Аллоҳим! Албатта, Сен кечиримли зотсан, кечирини яхши кўрасан. Мени (гуноҳларимни) кечиргин, деб айтгин”, – дедилар*”. (Термизий ривояти)

Қадр кечасидаги аломатлар:

1. Қадр кечасида ёруғлик ва нур зиёда бўлади;

2. Хотиржамлик, яъни мўмин кишининг қалби хотиржам бўлади;

3. Баъзи аҳли илмлар бу кечада шамол мўътадил бўлади унда бўрон ёки қаттиқ шамол турмайди. Балки ҳаво ёқимли бўлади, деб айтадилар;

4. Аллоҳ таоло бу кечада уйқуда (инсонларнинг тушида) кўриниши мумкин, баъзи саҳоба (розияллоху анҳум)ларда худди шундай бўлган;

5. Инсон бу кечада бошқа кечадан кўра кўпроқ ибодатга лаззат ва қизиқишни топади;

6. Ишончли ҳадисларда келган дуоларни ўқиш мустаҳаб.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Аллоҳ таоло қадр кечасини бу умматга мубҳам, яъни беркитиб қўйди, токи инсонлар бу кечани топиш илинжида Рамазон ойининг кечаларида кўпроқ ибодат қилсинлар. Бу худди жума кунисидаги дуолар қабул бўладиган соат яширингани, беш вақт намозни ичига “солатул вусто”ни яшириб қўйилгани ва тоатларда Аллоҳ таолонинг розилиги яширингани каби.

Шунингдек, бу ой тунги намозлар ва нафл ибодатлар ойи ҳамдир. Рамазон ойидаги тунги намозлар фикҳ истилоҳида “тарових”

дейлади. Бу намозни ўқиш барча муслим ва муслималар учун суннат ҳисобланади. Муслмонлар бу намозни ғанимат билиб, ўтказиб юбормасликлари керак. Чунки Рамазондаги нафл намозлар учун бериладиган улуғ савоблар бошқа ойларда берилмайди.

عن عائشة رضي الله عنها قالت كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ الْعَشْرُ شَدَّ مِنْزَرَهُ، وَأَخْيَا لَيْلَهُ، وَأَيْقَظَ أَهْلَهُ (رواه مسلم)

Оиша (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: *“Набий (соллаллоху алайҳи васаллам) қачон Рамазон ойининг охирги ўн кунлиги кириб келса, аҳллари билан алоқа қилмоқдан узоқлашар, кечалари ухламас ва уйдагиларни ҳам ибодат қилмоққа уйғотар эдилар”*. (Муслим ривояти)

Рамазон ойида қилинган умранинг савоби ҳаж савобига, ҳатто Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) билан бирга қилинган ҳажнинг савобига тенг.

عَنْ أُمِّ مَعْقِلٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «عُمْرَةٌ فِي رَمَضَانَ تَعْدِلُ حَجَّةً» (رواه الترمذي).

Умму Маъқал (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: *“Набий (соллаллоху алайҳи*

васаллам): *“Рамазондаги умра ҳажга тенг”*,  
– дедилар. (Имом Термизий ривояти) Бошқа  
бир ривоятда эса:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «عُمْرَةٌ  
فِي رَمَضَانَ تَقْضِي حَجَّةَ مَعِيَ» (متفق عليه).

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: *“Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): “Рамазондаги умра мен билан бирга қилинган ҳажнинг савобига тенгдир”, – деганлар”*. (Муттафақун алайх)

Бу ой хайр-эхсон ойидир. Зеро, Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бу ойда бошқа ойларга қараганда янада сахийроқ бўлиб кетардилар.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ: «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ -صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ- اجودَ النَّاسِ وَكَانَ اجودَ مَا يَكُونُ فِي رَمَضَانَ حِينَ يَلْقَاهُ جَبْرِيْلُ، وَكَانَ يَلْقَاهُ فِي كُلِّ لَيْلَةٍ مِنْ رَمَضَانَ فَيُدَارِسُهُ الْقُرْآنَ، فَلَرَسُولُ اللَّهِ -صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ- اجودَ بِالْخَيْرِ مِنَ الرِّيحِ الْمُرْسَلَةِ.» (متفق عليه).

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтадилар: *“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) одамларнинг энг саховатлиси эди. У зот Рамазон ойида – ҳар кеча ҳузурларига Жаброил (алайҳиссалом) Қуръонни таълим*



*бериш учун ташириф буюрадиган пайтларда— янада сахий бўлиб кетардилар. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг Расули (соллаллоху алайҳи ва саллам) яхшилик қилишда шиддат билан эсаётган шамолдан-да тезроқ эдилар”.* (Муттафақун алайх)

Булар Рамазон ойининг айрим фазилат ва хусусиятлари. Демак, Рамазони шариф ҳар бир мусулмон банда учун улкан савобларга эга бўлиш, дўзахдан сақланиш учун жуда ҳам қулай имконият саналади. Шунинг учун бу ойни хурсандчилик ва хуш кайфиятлар билан кутиб олишимиз ва бу фурсатдан ҳар биримиз унумли фойдаланиб қолишимиз даркор. Бунинг учун ушбу муборак ойнинг рўзасини ихлос билан тутиб, ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, кўпроқ ибодат ва яхшиликлар қилишимиз лозим.

## РАМАЗОН РЎЗАСИ КИМЛАРГА ФАРЗ?

Рўза жисмоний салоҳиятни талаб этадиган ибодат бўлгани сабабли уламолар кимлар рўза тутишлари шарт, кимлар тутмаслиги мумкинлиги ҳақида китоблар ёзганлар. Албатта, бунда улар шариатнинг асосий манбаларига асосланганлар. Шундан келиб чиқиб, кимда куйидаги шартлар мавжуд бўлса, унга рўза тутиш фарз бўлади:

1. Мусулмон бўлиш. Рўза фақат мусулмонларга фарз қилинган. Бошқа дин вакилларига у фарз эмас;

2. Ақл. Ақли ноқис ва руҳий касал одамга рўза фарз бўлмайди. Чунки у мукаллаф эмас. (Мукаллаф – балоғатга етган, ақл-хуши жойида бўлган мусулмон киши);

3. Балоғатга етганлик. Балоғатга етмаган ёш болаларга рўза фарз эмас. Лекин ота-она ва болага масъул бўлган кишилар агар боланинг тоқати етса уни рўза тутишга тарғиб қилсалар яхши. Бу ҳолат боланинг жисми, қуввати, шунингдек, рўзанинг ёз ва қиш фаслларида бўлишига кўра турлича бўлади. Агар бола рўзасини очиб қўйса, уни қазо тутишга мажбурланмайди, чунки бу унга оғирлик қилади;

4. Рўзанинг фарзлигини билиш. Бу шарт мусулмон бўлмаганлар юртида яшаб исломни қабул қилганларга тегишли. Аммо ислом диёрида яшайдиган мусулмон учун бу шарт рўзанинг фарзлиги учун талаб қилинмайди, у узрли ҳисобланмайди ҳамда қолиб кетган рўзаларининг қазосини тутиб беради. Аммо номусулмон юртда яшаб мусулмон бўлган киши рўзанинг фарзлигини билмаган бўлса, у узрли ҳисобланади. Рамазон рўзасининг фарзлигини билган заҳоти уни тутиши ҳам фарз бўлади.

## РЎЗА ТЎҒРИ БЎЛИШИ УЧУН ҚАНДАЙ ШАРТЛАР БЎЛИШИ КЕРАК?

Рўза тутмоқчи бўлган киши рўзаси мукамал бўлиши ҳамда уни Аллоҳ томонидан қабул бўлишини хоҳлайди. Чунки бу улуғ ибодатнинг савоби ғоятда улкан бўлиб, унинг мукофотини Аллоҳнинг ўзи беради. Бунинг учун динимизда буюрилган маълум бир кўрсатмаларга амал қилиш керак. Қуйида рўзанинг шартлари берилган. Агар улардан бирортаси бўлмаса, у ҳолда рўза ибодат ўрнига ўтмайди:

1) ният. Ният туфайли оддий ишлар ибодатга айланади. Рўза ҳам бундан мустасно эмас. Ният бу қалбнинг рўза тутишга жазм қилишидир. Олимлар уни талаффуз билан айтишни мустаҳаб деганлар. Лекин тил билан айтмасдан қайси рўзани тутмоқчи эканини кўнгилдан ўтказса ҳам тўғри бўлаверади.

Рўзага ният қилгандан кейин унда бардавом бўлиш керак. Кечаси рўзага ният қилиб тонг отишидан олдин ниятидан қайтиб қолса, рўзаси тўғри бўлмайди. Агар ўша одам яна янгидан ният қилса рўза тўғри бўлаверади.

Бизнинг мазҳабда рўзанинг ҳар бир кунига алоҳида ният қилинади. Абу Ҳанифанинг (рахматуллоҳи алайҳ) шогирдлари Имом Зуфар (рахматуллоҳи алайҳ) ҳамда Имом Молик

(рахматуллоҳи алайҳ) каби олимлар Рамазон оyi рўзаси учун умумий бир марта ният қилиш ҳам мумкинлигини айтганлар.

Рамазон ойида саҳарлик қилиш – ният ўрнига ўтади, чунки киши рўза тутиш мақсадида саҳарлик қилади. Бошқа ойлардаги рўзаларда ҳам шундай. “Эртага рўза тутаман, Худо хоҳласа” ёки “Иншааллоҳ, мана бу куни рўза тутаман”, – деб айтса ҳам нияти тўғри бўлади. Ният қилаётганда қайси рўзани тутаетганини аниқ билиши керак. Масалан: Рамазоннинг рўзасими ёки бошқа ойда тутиладиган нафл рўзами ёхуд қазо рўзами ва ҳоказо;

2) рўза тутишни ман қиладиган ҳолатлар бўлмаслиги. Рўзанинг тўғри бўлиши учун зарур шартлардан бири ҳайз ва нифос каби рўзага моне бўладиган ҳолатлардан холи бўлиш. Агар аёл ҳайз ва нифос ҳолатида ҳам рўза тутса, унинг рўзаси тўғри бўлмайди ва у рўзадор ҳисобланмайди. Бу фарз ва нафл рўзага ҳам бир хил тааллуқли.

Аёл киши ҳайз ва нифос кунларида тута олмаган фарз рўза қазосини кейин тутиб бериши зарур. Агар аёл рўзадор ҳолатида куёш ботишидан озгина вақт олдин ҳайз қони кўрса, рўзаси бузилади. Мазкур рўзаси фарз ёки нафл бўлишидан қатъий назар кейинчалик қазосини тутиб бериши керак.

Аммо сахарлик тугашига озгина вақт қолганда жунуб бўлиб уйғонган аёл ёки эркек рўзасини тутаверади. Сахарликдан сўнг гусл қилади, аммо бурнини сув ичига кириб кетадиган даражада қаттиқ чаймайди. Оғиз очгач бурнини яхшилаб чайиб олади;

3) рўзани бузувчи ишлардан узоқ бўлиш. Бу ҳақда китобнинг бошқа бўлимида батафсил маълумот берилади.

## РЎЗАНИНГ СУННАТ ВА МУСТАҲАБЛАРИ

Рўзанинڭ кўплаб суннат ва мустаҳаблари бўлиб, куйида улардан энг муҳимлари келтириб ўтилади:

1) сахарлик. Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): *“Сахарлик қилинڭ чунки сахарлик қилишида барака бордир”, деганлар. (Муслим ривояти);*

2) сахарликни тонг отар вақтгача кечиктириш ва ифторликни тезлатиш;

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтадилар: *“Аллоҳ таоло: “Бандаларимнинг менга энг яхшиси уларнинг ифторликни эртaroқ қилганларидир”, деган”. (Термизий ривояти);*

3) хурмо билан оғиз очиш. Агар хурмо бўлмаса, сув билан оғиз очиш суннатга мувофиқдир;

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) дедилар: *“Сизлардан ким ифторлик қилса, хурмо билан ифторлик қилсин, ҳақиқатда – у Аллоҳ раҳматидир. Агар хурмо бўлмаса, унда сув билан ифторлик қилингиз, ҳақиқатда у покловчидир”*. (Абу Довуд ва Термизий ривояти);

4) ифторликдан аввал дуо қилиш. Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: *“Албатта, рўзадор учун оғиз очиши пайтида рад қилинмайдиган дуо си бордир”*. (Ибн Можа ривояти);

5) Рўзадор кишига ифторлик қилиб бериш. “Рўзадор кишига ифторлик қилиб берган кишига рўзадорнинг савоби миқдорида ажр ёзилади.

عَنْ زَيْدِ بْنِ خَالِدِ الْجُهَنِيِّ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ فَطَرَ صَائِمًا كَانَ لَهُ مِثْلُ أَجْرِهِ، غَيْرَ أَنَّهُ لَا يَنْقُصُ مِنْ أَجْرِ الصَّائِمِ شَيْئًا». (رواه الترمذي وابن ماجه)

Зайд ибн Холид Жуханий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтадилар: *“Ким рўзадорга ифторлик қилиб берса, унга рўзадорнинг савобидан бирор нарса камайтирилмаган ҳолда рўзадорнинг ажри каби савоб бўлади”*. (Термизий ва Ибн Можа ривояти)

## РЎЗАНИНГ ТУРЛАРИ

Рўза тутишнинг умумий кўриниши бир хил, лекин шариатда белгиланган хукми ва даражасига кўра бир неча турларга бўлинади.

**1. Фарз рўза.** Шариатда амаллар мажбурийлиги ёки қайтарилганига кўра бир неча даражаларга бўлинади. “Фарз” бу шариат томонидан бажарилиши мажбурий этиб белгиланган амаллар. Фарз амалларни бажарган киши савоб олади, узрсиз бажармаган киши гуноҳкор бўлади. Фарз амалларни бажармаса ҳам бўлаверади, дея инкор этган киши диндан чиқади. *Қуйидаги рўзаларни тутиш фарз ҳисобланади:*

### 1.1. Рамазон ойн рўзаси.

Рамазон ойининг рўзаси муайян вақтда, яъни Рамазон ойида тугилади. «Бақара» сурасининг 183-оятида Аллоҳ таоло шундай дейди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

“Эй, имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз”.

Рамазон ойининг рўзаси ислом динининг беш арконидан бири ҳисобланади. Уни инкор

этган киши диндан чиқади, бажармаган одам гуноҳкор бўлади. Агар маълум бир сабаб билан Рамазон ойи рўзаси тутилмаган бўлса, унинг қазосини тутиб бериш фарз бўлади.

**1.2. Маълум вақтдаги номуайян фарз рўза.** Бу каби рўзаларга Рамазон рўзасининг қазоси ва каффорот рўзалари киради.

Рамазон ойининг рўзаси маълум сабабларга кўра тутилмаса, имкон бўлиши билан унинг қазосини тутиш шарт. Кейинги йилги Рамазон ойининг кириб келиши билан аввалги қазо рўзалар бекор бўлмайди.

*Каффорот рўзасига қуйидагилар киради:*

– қасамнинг каффорати учун рўза. Қуръони каримга кўра, агар бир киши қасам ичиб сўнг уни бузса, бу қилган гуноҳини ювиш учун бир кул озод қилиши ёки ўн та мискинни таомлантириши ёки кийинтириши талаб этилади, агар бу қўлидан келмаса, уч кун кетма-кет рўза тутиб бериши керак.

فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ

“Кимки (буларни) топа олмаса, уч кун рўза тутиши (мумкин)”. (Моида сураси 89-оят)

– зихорнинг каффороти бўлган рўза. Зихор бу кишининг ўз хотинига қарата «Сен менга онамнинг бели кабисан» (яъни онамга уйланиш



менга ҳаром бўлганидек, сен ҳам менга онам кабисан) ёки шунга ўхшаш гапларни гапириши. Бу талоққа яқин маънодаги сўз бўлиб, бу гапни айтган киши қайта ярашишни хоҳлаб, ўз гапидан қайтса унга каффорат лозим бўлади. Зиҳорнинг каффорати бир кул озод қилишдир, агар бунга қодир бўлмаса, икки ой кетма-кет рўза тутиб бериши шарт. Бу ҳақида Аллоҳ таоло айтади:

فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ شَهْرَيْنِ مُتَتَابِعَيْنِ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَتَمَاسَا فَمَنْ لَمْ  
يَسْتَطِعْ فإِطْعَامُ سِتِّينَ مِسْكِينًا ذَلِكَ لِتُؤْمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَتِلْكَ  
حُدُودُ اللَّهِ وَاللَّكَافِرِينَ عَذَابٌ أَلِيمٌ

“Бас, кимки (кул) топа олмаса, қўшилишларидан илгари (зиммасида) пайдарпай икки ой рўза тутиш бордир. Бас, ким (рўза тутишга) қодир бўлмаса, (унинг зиммасида) олтмишта мискинга таом бериш бордир. Бу (ҳукмлар) сизлар Аллоҳ ва унинг пайғамбарига имон келтиришларингиз учундир. Булар Аллоҳнинг (белгилаб қўйган) чегараларидир. (Илоҳий қонунларни инкор этувчи) кофирлар учун эса (охиратда) аламли азоб бордир”. (Мужодала сураси 4-оят)

– Хато туфайли одам ўлдириб қўйган кишининг каффорат рўзаси. Бир киши

қасддан бўлмаган ҳолда одам ўлдириб қўйса, у гуноҳининг каффоратига бир мўмин қулни озод қилиши керак, агар бунга қурби етмаса, икки ой кетма-кет рўза тутиб бериши фарз бўлади.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло деган:

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ أَنْ يَقتُلَ مُؤْمِنًا إِلَّا خَطَأً وَمَنْ قَتَلَ مُؤْمِنًا خَطَأً فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ وَدِيَّةٌ مُسَلَّمَةٌ إِلَىٰ أَهْلِهِ إِلَّا أَنْ يَصَدَّقُوا فَإِنْ كَانَ مِنْ قَوْمٍ عَدُوٍّ لَكُمْ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ وَإِنْ كَانَ مِنْ قَوْمٍ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ مِيثَاقٌ فَدِيَّةٌ مُسَلَّمَةٌ إِلَىٰ أَهْلِهِ وَتَحْرِيرُ رَقَبَةٍ مُؤْمِنَةٍ فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ شَهْرَيْنِ مُتَتَابِعَيْنِ تَوْبَةً مِنَ اللَّهِ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا

“Мўмин (иккинчи бир) мўминни фақат янглишибгина ўлдириб қўйиши мумкин. Қимда-ким мўминни янглишиб ўлдирган бўлса, (унинг зиммасига) бир мўмин қулни озод қилиш ва у (мархум) нинг оиласига – агар кечиб юбормасалар – хун тўлаш (фарздир). Агар (мархум) сизнинг душманингиз қавмидан бўлиб, ўзи мўмин бўлса, бир мўмин қулни озод қилиш (буюрилади). Агар у сизлар билан улар ўртасида сулҳ (тузилган) қавмдан бўлса, унинг оиласига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш (буюрилади). Қимда-ким

(қул) топмаса, икки ой муттасил рўза тутиш (билан кифояланади). Бу Аллоҳ томонидан кечирим ўрнидадир. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгасидир”. (Нисо сураси 92-оят)

– Рамазон оyi рўзасининг каффорати учун тутиладиган рўза.

Рамазон рўзасини қасддан очганда икки ой каффорат рўза тутилади. У кетма-кет бўлмоғи шарт. Рўза эканлигини билиб туриб, жимо қилган кишига Жаноби Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бундай деганлар:

*“Унда икки ой кетма-кет рўза тутгин!”*

(Муҳаддислар жамоаси ривоят қилган)

Рўзанинг каффоротлари ҳақида китобнинг алоҳида бобида тўхталиб ўтамиз.

Шунингдек, бу каби фарз рўзалар сирасига эҳромда бўлган кишининг ов ҳайвонини ўлдиргани ёки ўлдирган кимсага уни кўрсатиб бергани, гуноҳ амалларни қилгани учун каффоратига тутиладиган рўзалар ҳам киради.

**2. Вожиб рўза.** Шариатда “вожиб” сўзи бажарилиши шарт бўлган амалларга нисбатан ишлатилади. Вожиб амални бажарган инсон савоб олади, қилмаган эса гуноҳкор бўлади. “Вожиб” ва “фарз” сўзлари деярли бир хил маънони англатади. Улар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, фарз амални инкор этган киши (масалан, “5 вақт намоз ўқиш, закот

бериш ва рўза тутиш фарз эмас, қилмаса ҳам бўлаверади”, деса) имондан айрилиб, диндан чиқади. Аммо вожиб амални инкор этган киши (масалан: “*випр намозини ўқиш шарт эмас*”, деса) диндан чиқмайди, балки қаттиқ гуноҳкор бўлади.

Вожиб рўзалар қуйидагилар:

– назр рўзаси. Инсон ўзи учун назр қилса, яъни «мен фалон куни рўза тутиб бераман», деб ўз зиммасига олса, ўша куни рўза тутиб бериши вожиб бўлади. Агар вақтини тайин қилмаса, қачон бўлса ҳам тутиб бериши шарт;

– нафл рўзасининг қазоси. Аслида нафл рўза тутиш ихтиёрий иш. У фарз ёки вожиб эмас. Лекин маълум бир сабаб билан нафл рўзани очиб юборса, унинг қазосини тутиш вожиб бўлади.

### 3. Суннат, мустаҳаб ва нафл рўзалар.

Фарз ва вожиб бўлган рўзалардан ташқари, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг суннатларида келган ва у зот тутган рўзалар “нафл рўзалар” дейилади. Қуйида улар ҳақида тўлиқроқ маълумот бердик.

– *Ашуро куни рўзаси*

Ашуро куни мухаррам ойининг ўнинчи кунидир. Бу кунда рўза тутиш Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва Мусо (алай-ҳиссалом)ларнинг суннатларидир. Аллоҳ таоло

бу кунда Мусо (алайхиссалом)нинг қавмлари Бани Исроилни душманлардан қутқарган.

قَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَحَرَّى صِيَامَ يَوْمٍ فَضَّلَهُ عَلَى غَيْرِهِ إِلَّا هَذَا الْيَوْمَ يَوْمَ عَاشُورَاءَ وَهَذَا الشَّهْرَ شَهْرَ رَمَضَانَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Ибн Аббос (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: *“Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг ушбу кун – Ашуро кунини рўзасини бошқасидан афзал кўриб, соғиниб ва ушбу ой – Рамазон ойини рўзасини кутиб соғингандек, бошқа кун ва ой рўзасини кутганларини кўрмадим», деганлар*”. (Имом Бухорий ва Муслим ривояти)

عَنْ سَلَمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا مِنْ أَسْلَمَ أَنْ أَذِنَ فِي النَّاسِ أَنْ مَنْ كَانَ أَكَلَ فَلْيَصُمْ بَقِيَّةَ يَوْمِهِ وَمَنْ لَمْ يَكُنْ أَكَلَ فَلْيَصُمْ فَإِنَّ الْيَوْمَ يَوْمَ عَاشُورَاءَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Салама ибн Аква (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: *“Набий (соллаллоху алайҳи васаллам) асламлик бир кишига одамлар ичида бундай деб жасар чақиринишга буюрдилар: “Ким бирор нарса еган бўлса ҳам куннинг қолганида рўза тутсин, ким емаган бўлса у*

ҳам рўза тутсин, чунки бугун Ашуро кунин”.  
(Бухорий ва Муслим ривояти)

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)  
Рамазон рўзаси фарз бўлишидан олдин Ашуро  
кунида рўза тутишга буюрар эдилар.

وَعَنْ أَبِي قَتَادَةَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: صِيَامُ يَوْمِ  
عَاشُورَاءَ أَحْتَسِبُ عَلَى اللهِ أَنْ يُكَفِّرَ السَّنَةَ الَّتِي قَبْلَهُ. رَوَاهُ  
مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ.

Абу Қатодадан ривоят қилинади: Набий  
(соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Ашуро кунин*  
*рўзаси ўтган йилги гуноҳларга каффорат*  
*бўлишидан умид қиламан!*” – деганлар.  
(Муслим, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва  
Аҳмад ривояти)

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)  
таъкидлаганидек, Ашуро кунига кўшиб ундан  
бир кун аввал ёки бир кун кейин ҳам рўза  
тутилади.

*Шаъбон ойи рўзаси.* Шаъбон ойи ҳижрий  
тақвимнинг саккизинчи ойи. Расулulloҳ  
(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ойда кўпинча  
рўзадор бўлар эдилар.

عن عائشة - رضي الله عنها - قالت: مَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى  
اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اسْتَكْمَلَ صِيَامَ شَهْرِ إِلَّا رَمَضَانَ، وَمَا رَأَيْتُهُ  
أَكْتَرَ صِيَامًا مِنْهُ فِي شَعْبَانَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ

Оиша (розияллоху анҳо)дан ривоят қилинади: *“Расулуллоҳнинг (соллаллоху алайҳи васаллам) Рамазондан бошқа ойнинг рўзасини тўлиқ тутганларини кўрмадим. Шаъбон ойидаги каби кўп рўза тутганларини ҳам кўрмадим.* (Бухорий ва Муслим ривояти)

عن أم سلمة رضي الله عنها قالت : مَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَامَ شَهْرَيْنِ مُتَتَابِعَيْنِ إِلَّا أَنَّهُ كَانَ يَصِلُ شَعْبَانَ بِرَمَضَانَ. رواه الترمذي

Умму Салама (розияллоху анҳо): *“Набий (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг шаъбон ва рамазондан бошқа икки ойни кетма-кет рўза тутганларини кўрмадим”,* – дедилар. (Термизий ривояти)

*Ражаб ойи рўзаси.* Ражаб ойи “ҳаром” ойлардан ҳисобланади. Ҳаром ой дейилишига сабаб бу ойда уруш-жанжалнинг ман қилинганидир. Ҳаром ойлар тўртта бўлиб, булар зулқаъда, зулҳижжа, муҳаррам ва ражаб ойларидир.

Набий (соллаллоху алайҳи васаллам) рўза тутишга иштиёқи баланд саҳобаларга ҳаром ойларда рўза тутишни тавсия қилганлар ва ўзлари ҳам ражаб ойида рўзадор бўлишга ҳаракат қилардилар.

أَنَّ عُثْمَانَ بْنَ حَكِيمِ الْأَنْصَارِيِّ قَالَ: «سَأَلْتُ سَعِيدَ بْنَ جُبَيْرٍ عَنِ صَوْمِ رَجَبٍ؟ وَنَحْنُ يَوْمَئِذٍ فِي رَجَبٍ فَقَالَ سَمِعْتُ ابْنَ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا يَقُولُ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصُومُ حَتَّى نَقُولَ لَا يُفْطِرُ، وَيُفْطِرُ حَتَّى نَقُولَ لَا يَصُومُ».

رواه مسلم

Усмон ибн Ҳақимдан ривоят қилинади: *“Саъид ибн Жубайрдан Ражаб ойида турганимизда Ражаб рўзаси ҳақида сўрадим. У: “Ибн Аббоснинг: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) рўза тутар эдилар, ҳатто оғизларини очмасалар керак, дер эдик. Оғизлари очиқ бўларди, ҳатто рўза тутмасалар керак, дер эдик”, деяётганини эшитганман”, – деди. (Муслим ривояти)*

*Шаввол ойида олти кун рўза тутиш. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) тарғиб қилган нафл рўзалардан бири – Рамазондан кейинги ой бўлган Шавволда олти кун рўза тутишдир. Бу ойда рўза тутиш ҳақида қуйидагилар келган:*

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) дедилар:

مَنْ صَامَ رَمَضَانَ ثُمَّ أَتْبَعَهُ بِسِتِّ مِنْ شَوَّالٍ كَانَ كَصَوْمِ الدَّهْرِ

*“Ким Рамазон рўзасини тутиб, сўнг кетидан Шавволдан олти кун рўза тутса,*



*йил бўйи рўза тутгандек бўлади*". (Ибн Можа ривояти)

عَنِ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ صَامَ رَمَضَانَ وَأَتْبَعَهُ سِتًّا مِنْ شَوَّالٍ خَرَجَ مِنْ ذُنُوبِهِ كَيَوْمِ وُلِدَتْهُ أُمُّهُ . رواه الطبراني

Ибн Умар (розияллоҳу анҳума)дан ривоят қилинади. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Қим Рамазон рўзасини тутиб, ортидан Шаввол ойида олти кун рўза тутса, худди онадан тузилгандек гуноҳлардан фориғ бўлади”*, – деганлар. (Табароний ривояти)

*Арафа куни рўза тутиш.*

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ ، قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : « صَوْمُ يَوْمِ عَرَفَةَ يُكَفِّرُ سَنَتَيْنِ مَاضِيَةٍ وَمُسْتَقْبَلَةٍ ، وَصَوْمُ عَاشُورَاءَ يُكَفِّرُ سَنَةً مَاضِيَةً »

Қатода (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: *“Арафа кунининг рўзаси икки йиллик (кичик гуноҳларга) каффорат бўлади: ўтган ва келаси йилга. Ашуро кунининг рўзаси эса ўтган йилга каффорат бўлади”*. (Муслим ва бошқалар ривояти)

*Душанба ва пайшанба кунлари рўзаси.* Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўпинча

тутиб юрган рўзаларидан бири душанба ва пайшанба кунлари рўзасидир. Бу ҳақида у зотдан қуйидаги ҳадис ривоят қилинади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ- أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:  
تُعْرَضُ الْأَعْمَالُ يَوْمَ الْاِثْنَيْنِ وَالْاِثْنَيْنِ فَأَجِبُ أَنْ يُعْرَضَ  
عَمَلِي وَأَنَا صَائِمٌ

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) деганлар: *“Амаллар душанба ва пайшанба кунлари кўрсатилади. Менинг амалларим рўзадор ҳолимда кўрсатилишини яхши кўраман”*. (Термизий ривояти)

## ТАҚИҚЛАНГАН РЎЗАЛАР

Баъзи рўзаларни тутиш шариатда ман қилинган бўлиб, уни қилиш инсоннинг гуноҳкор бўлишига сабаб бўлади. Ҳанафий олимлар наздида қуйидагилар макруҳи таҳримий, яъни ҳаром даражасидаги макруҳ:

1. Рамазон, Қурбон ҳайити ҳамда ташриқ кунларида (Қурбон ҳайитидан кейинги уч кун) рўза тутиш;

2. Аёл кишининг ҳайз ва нифос кўрган ҳолда рўза тутиши. Агар Рамазон ойида аёл

киши ҳайз кўрса, шу кунларнинг қазосини поклангандан сўнг тутиб беради.

3. Шак куни рўза тутиш;

4. Аёл киши агар эри ҳузурида бўлса, ундан рухсат сўрамай нафл рўза тутиши<sup>1</sup>;

5. Рўза тутса ҳалок бўлишини била туриб рўза тутиш;

#### **4. Макруҳ рўза.**

“Макруҳ” сўзи “ёмон кўрилган” деган маънони англатади. Шаърий истилоҳда эса «макруҳ» ман қилинган иш бўлиб, ҳаромдан бир даража паст туради. Бу амал гарчи ҳаром амаллар каби қаттиқ гуноҳга сабаб бўлмаса ҳам улардан сақланиш лозим. Уни қилган инсон гуноҳкор бўлади.

#### **Макруҳ рўзалар қуйидагилар:**

– *Муҳаррам ойининг ўнинчи куни, яъни Ашуро кунининг ёлғиз ўзида рўза тутиши.* Бу кунда рўза тутмоқчи бўлган инсон ундан олдинги ёки кейинги кунда ҳам рўза тутса суннатга мувофиқ бўлади.

– *Жума кунининг ўзида рўза тутиши.* Ундан аввалги ёки кейинги кунда ҳам қўшиб тутса жоиз.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жума куни рўза тутиш ҳақида бундай

<sup>1</sup> Фарз рўзада эрининг рухсати талаб этилмайди. Шунингдек, агар эр аёлнинг ҳузурида бўлмай сафарга кетган бўлса, нафл рўза учун эрнинг рухсати шарт эмас.

дейдилар: “Бошқа кунлар қолиб, айнан жума кунин рўза тутманглар. Бирортангиз тутиб келаётган рўзаси жума кунига тўғри келса бундан мустасно”. (Муслим ривояти)

– Шанба кунининг ёлғиз ўзининг рўзасини тутиши.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бундан қайтарганлар:

لَا تَصُومُوا يَوْمَ السَّبْتِ إِلَّا فِيمَا افْتَرَضَ عَلَيْكُمْ وَإِنْ لَمْ يَجِدْ أَحَدُكُمْ إِلَّا لَحًا عِنَبٍ أَوْ عُودَ شَجَرَةٍ فَلْيَمْضِغْهُ

“Шанба кунин рўза тутманглар. Фақат сизларга иш кунин фарз бўлса, майли. Агар сизлардан бирортангиз (иш кунин) фақатгина узумнинг пўсти ёки дарахтнинг илдизини топса ҳам уни чайнасин!” (Термизий ривояти)

– Наврўз ва Меҳрижон кунин рўза тутиши. Бу кунларда бошқа дин вакиллари рўза тутадилар.

– Ҳар кунин рўза тутиши. Чунки ҳатто пайғамбарлар ҳам ҳар кунин рўза тутмаганлар. Агар инсон “ҳар кунин рўза тутишга тоқатим етади”, деган тақдирда ҳам бу ишни қилиши шариатга мувофиқ келмайди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтадилар: “Кимки абадий рўза тутса, рўза тутмаган бўлади”. (Бухорий ва Муслимлар ривояти)

– *Гатирмасдан рўза тутуши.* Чунки бу бошқа дин вакилларининг одати<sup>2</sup>.

– *Улаб рўза тутуши.* Яъни ифторлик вақти киргандан то сахарликкача ҳеч нарса емай кейинги кун рўзасини улаб тутиш. Пайғамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) ўзлари шундай рўза тутганлари билан мусулмонларни бундан қайтарганлар: *“Сизлар мендек эмассизлар. Мени кечаси Парвардигорим тўйдиради, чанқогимни қондиради. Сизлар эса тоқатингиз етадиган амалларни қилинглар”*. (Бухорий ва Муслим ривояти)

– *Мусофир бўлган кишининг қийналишини била туриб рўза тутуши.* Чунки шариат сафарда бўлган кишига қийналиб қолмаслиги учун рўза тутмасликка рухсат берган. Сафари тугагач қазосини тутиб беради:

**“Бас, сизлардан кимки бемор ёки сафарда бўлса, саноғи бошқа кунлардадир”**. (Бақара сураси 184-оят)

## ҚАЧОН РЎЗА ТУТИШ ЛОЗИМ БЎЛАДИ

Рўза тутиш уч ҳолатда лозим бўлади;

1. Назр қилиш билан. Киши бир кунми ёки бир ойми Аллоҳ таоло учун рўза тутишни назр қилса, унга ўша рўзани тутиб бериш вожиб бўлади.

---

<sup>2</sup> Ал-фикҳ ал-ханафий фи савбиҳил-жадид. Б. 397.

2. Каффорат лозим бўлиши билан. Мусулмон киши бировни хато ила ўлдириб кўйса ёки қасамига хилоф қилса ёки рамазон рўзасини билиб туриб қасддан тутмаса ёки очиб юборса ёки зиҳор қилса, каффоратига рўза тутиши вожиб бўлади.

3. Рамазон ойи кириши билан унинг рўзаси фарз бўлади.

## ҲИЖРИЙ ВА МИЛОДИЙ ТАҚВИМДАГИ ФАРҚЛАР

Дунё миқёсида милодий ва ҳижрий йил ҳисоби кенг қўлланилади. Давлатларнинг асосий қисмида милодий йил ҳисоби амал қилса, ҳижрий-қамарий тақвим, асосан, мусулмон мамлакатларида жорий этилган. Бу икки йил ҳисоби ўртасида ўзига хос фарқлар мавжуд:

1) милодий йилнинг бошланишига Исо (алайҳиссалом)нинг туғилган йили асос қилиб олинган. Ҳижрий йилнинг бошланишига эса Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг Макка шаҳридан Мадинага кўчиб ўтган йиллари асос қилиб олинган;

2) милодий йил ҳисобида Ернинг Қуёш атрофида бир марта тўлиқ айланиб чиқиши бир йилни ташкил қилади. Ҳижрий йил ҳисобида эса Ойнинг Ер атрофида тўлиқ бир марта

айланиб чиқиши бир ой деб белгиланади. Шунга қарамай, икки тақвим ҳам 12 ойдан иборат;

3) милодий йил ҳисобига кўра, бир йил 365 кун (тўрт йилда бир марта 366 кун)дан иборат, ҳижрий-қамарий тақвимга кўра, бир йил 354 ёки 355 кундан иборат бўлади;

4) милодий йил ҳисобида ҳар бир ой 30 ёки 31 кундан иборат, февраль оyi эса 28 кунлик. Тўрт йилда бир марта февраль оyi 29 кун бўлишига сабаб ўша йил 366 кундан иборат бўлади. Ҳижрий йил ҳисобига кўра эса бир ой 29 ёки 30 кундан иборат;

5) милодий йил тақвимида ойнинг неча кун бўлиши олдиндан белгилаб қўйилади. Масалан, апрель оyi – 30, август оyi – 31 кун. Аммо ҳижрий-қамарий йил ҳисобида янги ойнинг бошланиши осмонда янги ой, яъни ҳилолнинг кўринишига қараб белгиланади. Агар ойнинг 29-кунидан сўнг кечки пайт очик осмонда ҳилол кўринса, демак, янги ойнинг 1-санаси бошланади. Агар кўринмаса, аввалги ой 30 кун тўлиқ давом этади. Сўнг янги ой бошланади. Шу сабаб ҳижрий йил тақвими йил бошида аввалдан белигилаб қўйилсада, бу тақвим тахминий ҳисобланади ҳамда ҳар ойда ҳилолнинг кўриниш ёки кўринмаслигига қараб ўзгариб қолиши мумкин;

б) милодий йил ҳисобида соат кечқурунги 24:00 дан сўнг янги кун санаси бошланади. Ҳижрий-қамарий йил ҳисобида эса шом вақти кирганидан сўнг янги кун бошланади. Демак, ҳижрий-қамарий йил ҳисобига кўра ҳар қандай кун кечқурундан бошланади. Масалан, шаъбон ойининг охирги кунда кечки пайт осмонда ҳилол кўринди, демак, ўша вақтдан бошлаб рамазон ойи кирган ва ўша кеча рамазоннинг биринчи кечаси ҳисобланади. Бошқа ойларда ҳам шундай. Бирор ойнинг нечанчидир кечаси дейилганда айрим инсонлар ўртасида тушунмовчиликлар юз беради. Масалан, ражаб ойининг йигирма еттинчи кечаси дейилганда айримлар йигирма еттинчи куни Қуёш ботиб ундан кейин бошланадиган тунни тушунадилар. Аслида, йигирма олтинчи куни Қуёш ботгач, йигирма еттинчи кеча бошланади. Шундан келиб чиққан ҳолда шаъбон ойининг охирги кунда ҳилол кўринса, Рамазон ойининг биринчи куни бошланади ва шу кеча таровеҳ намози ўқилади.

## ШАК КУНИ

Ҳижрий тақвимга биноан шаъбон рамазондан олдинги ой ҳисобланади. Уламолар ижмосига биноан, шаъбон ойининг йигирма тўққизинчи кундан сўнг осмон булутли ёки



чанг кўтарилган бўлиб, янги ойнинг ҳилоли кўринмаса шаъбон ойи 30 кун давом этади, деб белгиланади. Унинг эртасидан рамазон ойи бошланади. Шак куни дейилишига сабаб унинг қайси ойнинг куни экани ҳақида шак-шубҳага борилганидандир. Табиийки “бу кунда нима қилиш керак, рўза тутиладими ёки йўқми?” деган савол пайдо бўлади. Баъзилар “Рамазон ойининг биринчи куни бўлиши мумкин”, деган эҳтимол билан шак кунида ҳам эҳтиёт юзасидан рўза тутадилар. Ҳолбуки, олимлар шак кунида Рамазон ойининг рўзасини ният қилиб тутиш мумкин эмаслигини таъкидлаганлар. Бунга қуйидаги ҳадис далил бўлади:

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: *«Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Рамазон олдидан бир-икки кун олдин рўза тутманглар. Агар бир киши ўзи одат қилган рўза бўлса, тутсин», – дедилар».* (Насайй, Термизий, Абу Довуд, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти)

Исломдан аввалги халқларда шак куни рўза тутиш одати бўлган. Улар “агар бу кун фарз рўза тутиладиган кун бўлса фарз рўза бўлади, агар ундай бўлмаса нафл рўза бўлади”, – деб ният қилардилар. Аммо ислом бундан қайтариб ҳамма ишнинг очиқ-ойдин бўлиши кераклигини уқтирмоқда. Агар шак куни фарз рўза тутишга рухсат бўлганида баъзилар

рўзадор, қолганлар эса рўза тутмай ўртада келишмовчилик ва муаммолар пайдо бўлар эди.

Агар бир одам доимий равишда нафл рўза тутиб юрса (мисол учун, душанба ва пайшанба кунлари), у рўзаси шак кунига тўғри келса ҳам тутаверади. Назр рўза ният қилиб қўйган бўлса ҳам шундай. Чунки у рамазоннинг фарз рўзасини ният қилмайди.

## ОЙНИНГ БОШЛАНИШИ ВА ТУГАШИГА ДОИР МАСАЛАЛАР

Рамазон ойи янги ой, яъни ҳилол кўрингандан сўнг бошланади, бу ҳақда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг қўйидаги сўзлари келган: *“Уни (ҳилолни) кўриши билан рўза тутинглар ва уни кўриши билан рўзани тўхтатинглар. Агар (шаъбон ойи охирида осмон) булутли бўлса шаъбон ойи саногини ўттиз кунга етказинглар”*

Ушбу ҳадисда шаъбон ойи охирида янги ой кўриниши билан рамазон рўзасини тутиш ҳамда охирида ҳилол кўрингач рўза тутишни тўхатиш кераклиги таъкидланмоқда. Шу билан бирга, Рамазоннинг бошланишида осмон булутли бўлиб ёки бошқа сабаблар билан янги ой кўринмаса, у ҳолда шаъбон ойи ўттиз кун

давом этиб, эртасидан рўза тутиш кераклиги келиб чиқади.

Рамазон ойининг бошланиши ва тугашида Расулуллоҳнинг: “Уни (ҳилолни) кўриб рўза тутинг (яъни Рамазон рўзасини тутишни бошланг) ва уни кўриб очинглар (яъни Рамазон рўзасини тўхтатинг)”, – деган сўзлари эътиборга олинади. Агар бир ўлкада ой кўриниб, Рамазон бошланса, бу ҳолат бошқа ўлкалар учун мажбурий бўлмайди.

Бу ҳақда уламолар турли фикрлар айтганлар. Янги ой ер юзининг барча ерида ҳам кўринмаслиги мумкин. Бир давлатда янги ой кўриниб, рўза бошланганда бошқа бир давлатда ҳали ой кўринмаслиги кўп рўй беради. Бу ҳолатлар саҳобалар даврида ҳам кузатилган.

عَنْ كُرَيْبٍ أَنَّ أُمَّ الْفَضْلِ بِنْتَ الْحَارِثِ بَعَثَتْهُ إِلَى مُعَاوِيَةَ بِالشَّامِ  
قَالَ فَقَدِمْتُ الشَّامَ فَقَضَيْتُ حَاجَتَهَا وَاسْتَهَلَّ عَلَيَّ رَمَضَانَ وَأَنَا  
بِالشَّامِ فَرَأَيْتُ الْهَيْلَالَ لَيْلَةَ الْجُمُعَةِ ثُمَّ قَدِمْتُ الْمَدِينَةَ فِي آخِرِ  
الشَّهْرِ فَسَأَلَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا ثُمَّ ذَكَرَ  
الْهَيْلَالَ فَقَالَ مَتَى رَأَيْتُمُ الْهَيْلَالَ فَقُلْتُ رَأَيْنَاهُ لَيْلَةَ الْجُمُعَةِ فَقَالَ  
أَنْتَ رَأَيْتَهُ فَقُلْتُ نَعَمْ وَرَأَاهُ النَّاسُ وَصَامُوا وَصَامَ مُعَاوِيَةُ فَقَالَ  
لَكِنَّا رَأَيْنَاهُ لَيْلَةَ السَّبْتِ فَلَا نَزَالَ نَصُومُ حَتَّى نُكْمِلَ ثَلَاثِينَ أَوْ  
نَرَاهُ فَقُلْتُ أَوْ لَا تَكْتَفِي بِرُؤْيَا مُعَاوِيَةَ وَصِيَامِهِ فَقَالَ

لَا هَكَذَا أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ . قَالَ الترمذي:  
وَالْعَمَلُ عَلَى هَذَا الْحَدِيثِ عِنْدَ أَهْلِ الْعِلْمِ أَنْ لِكُلِّ بَلَدٍ رُؤْيَتُهُمْ.  
أَخْرَجَهُ مُسْلِمٌ وَغَيْرُهُ.

Курайб (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: У айтадики: “Шомга келдим. Мен Шомдалигимда Рамазон кириб қолди, ҳилолни жума кечаси кўрдим. Сўнг ойнинг охирида Мадинага келдим. Ибн Аббос мендан: “Ҳилолни қачон кўрдингиз?” – деб сўради. “Уни жума кечаси кўрдик”, – дедим. “Сен ўзинг кўрдингми?” – деди. “Ҳа, одамлар ҳам кўрдилар. Рўза тутдилар, Муовия ҳам рўза тутди”, – дедим. “Лекин биз шанба кечаси кўрдик. То ўттиз кунни мукаммал қилгунимизча ёки уни кўргунимизча тутаверамиз”, – деди. «Муовиянинг кўргани ва рўза тутгани сенга кифоя қилмайдими?» – дедим. “Йўқ, Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) бизга шундоқ амр қилганлар», – деди”. Термизий бу ҳадис ҳақида: *“Илм аҳли бу ҳадисга амал қилишда ҳар бир юрт ўзи учун ҳилол кўради, деган фикрдалар”*, – деган. (Муслим ва бошқалар ривояти)

Бундан хулоса шуки, бир давлатда ҳилол кўриниб рўза тутиш бошланса, аммо бошқа бир давлатда ҳали рўза бошланмаган бўлса, уларни айблаш ва маломат қилиш тўғри эмас.

Аксинча, бу ҳолат фитна ва ихтилофларга сабаб бўлади.

Хусусан, бугунги кунда айрим кишилар ўртасида рамазон ойининг бошланиши ва тугаши борасида кўплаб ихтилофлар рўй бермоқда. Улар, кўпинча, ойнинг бошланиши ва тугашилини араб давлатларига қараб белгилайдилар. Ваҳоланки, улар ўша араб давлатларидаги муфтийлар қандай фатволар чиқарганидан беҳабарлар. Жумладан, Саудия Арабистони “Доимий фатво ҳайъати” томонидан берилган 1657-рақамли фатвода бундай дейилади: “Уламолар бу борада икки хил фикр айтганлар, улардан баъзилари ҳар бир диёр ўз ҳудудини эътиборга олади деган бўлсалар, баъзилари ўз ҳудудини эътиборга олмайди деганлар. Улардан ҳар бирининг ҳам ўзига яраша далиллари бор. Бу масаладаги (яъни янги ойнинг кўринишидаги) ҳар хиллик (яъни турли ўлкалар ўзи учун ой кўриши) ёмон оқибатга олиб келадиган таъсирга эга эмас. Бу диннинг пайдо бўлганига ўн тўрт аср бўлибдики, мусулмонлар уммати бу масалада бир хил фикрга бирлаштирилмаган (яъни ҳар бир диёр ўзининг ҳудудидан келиб чиқиб ҳилол кўрган, бир фикрни қабул қилишига мажбурланмаган). Ҳар бир мусулмон диёри ўз олимлари воситасида ҳилолни кузатиш ҳуқуқига эга.

*Фатво ҳайъати астрономик йўл билан олдиндан ҳисоблаб, янги ойнинг кўринишини белгилаш шаръий жиҳатдан тўғри эмас, деган қарорга келади. Чунки ҳадисда янги ой кўринганидан сўнги рўза тутшига буюрилмоқда”.*

(Доимий ҳайъат фатволари, 1-мажмуа, 10-жузь 110-112- бетлардан қисқартирилган ҳолда берилди.)

Бу масала бўйича хулоса шуки, ҳар бир диёр ўзи учун ой кўриши ва шу асосда рўзани бошлаши ва тугатиши шаръий жиҳатдан тўғри. Бу ишларда турли гап-сўзларни қўзғаб ихтилоф ва фитна чиқариш ҳаром ҳисобланади. Бу каби ишлар оқибатида мусулмонларнинг яқдиллиги парчаланиб, тарафкашлик ва гуруҳбозлик авж олади. Ваҳоланки, шариатнинг ўзида рухсат берилган ишларда ихтилоф чиқаришдан динимиз қаттиқ қайтарган.

## САҲАРЛИК ВА ИФТОРЛИК ВАҚТИ

Маълумки, рўза тутиш тонгдан бошланади. Тонг сўзи араб тилида “ فجر - фажр” дейилади. Ҳозирги вақтда тонг отиш вақти тақвим орқали аввалдан белгилаб қўйилган. Аммо маълум бир шаҳар учун алоҳида тақвим йўқ бўлса, у ҳолда тонг отиши осмонга қараб аниқланади.

Тонг отиши икки босқичдан иборат. Биринчисида куёш чиқадиган томонда пастдан тепага қараб узунасига бироз ёришгани кузатилади. Бу ҳолат “субҳи козиб”, яъни “ёлғон тонг” дейилади, чунки бу вақтда ҳали тонг отмаган бўлади ва саҳарликни давом эттириш мумкин. Бундан тахминан 10-12 дақиқа ўтгач тонг отишининг иккинчи босқичи бошланади. Бунда шарқ томонда уфқнинг кўндалангига ёришганини кузатиш мумкин. бу ҳолат “субҳи содиқ”, яъни “ҳақиқий тонг” дейилади ва бу билан бомдод вақти киради. Шу дамда саҳарликни тугатиш шарт.

Куёш ботганидан сўнг рўза вақти тугайди. Шаръий истилоҳда куёшнинг ботиши дейилганда, куёш гардишининг уфқдан бутунлай ботиши назарда тутилади, агар озгина қисми кўриниб турса ҳам бу вақтда оғиз очиш ёки шом намозини бошлаш тўғри бўлмайди.

Шуни билиш керакки, тақвимдаги белгиланган саҳарлик ва оғиз очиш вақтлари маълум шаҳарлар учун берилган. Бунда ҳар бир киши ўзи турган ерининг жойлашуви, бошқа жойлардан кўра баландроқ ёки пастроқ эканига эътибор қаратиши лозим. Агар у турган жойи баландроқ бўлса, куёш ҳам кечроқ ботади. Шунга биноан оғиз очиш вақти ҳам бошқа жойларга нисбатан кечроқ бўлади. Агар киши

бир шаҳарда сахарлик қилиб бошқа жойга сафар қилса, ифторлик вақтида ўша борган ерининг вақтини ҳисобга олиши керак.

## РЎЗАДОРГА МАКРУҲ БЎЛГАН НАРСАЛАР

Қуйидаги амаллар рўзани очмаса-да, бироқ макруҳ иш ҳисобланади:

1. Узрсиз бирор нарсани татиб кўриш ёки чайнаш. Лекин сотиб олаётганда алданиб қолиш хавфи бўлса ёки турмуш ўртоғи бадфеъл экани сабабли, овқат таъмини татиб кўриш, ёки фарзанд ўзи мустақил равишда ейишга қодир бўлмаган таом бўлса ҳамда унга егуликни чайнаб берадиган бирор кимса топилмаса, она таомни чайнаб бериши каби ҳолатлар бундан мустасно.

2. Ёпишқоқ, сўлак билан ажралиб кетмайдиган оқ сақични чайнаш. Бироқ ундан бирор нарса ажралиб (масалан таъм) ошқозонга тушадиган бўлса рўзани бузади.

3. Аёлини ўпиш, кучоқлаш, эркалаб силаш каби жимодан олдин қилинадиган ишларни қилиш макруҳ ҳисобланади. Бунда маний тўкилиши каби рўзани бузувчи ҳолат бўлмаслиги аниқ бўлиши лозим. Бу борада Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Оиша (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилган ҳадиси



шарифда шундай дейилади: *“Расулulloҳ (сол-лаллоҳу алайҳи васаллам) рўзадор бўлган-ларида ўпардилар, қучоқлардилар. Бироқ у зот сизларнинг орангизда шаҳватига энг моликрогингиздир”*. Оиша (розияллоҳу анҳу) нинг сўзларидан *“сиз ўпишиши ва қучоқла-шишидан йироқроқ бўлинг, Пайгамбар (алайҳис-салом)дек ўз нафсимни бошқара оламан, деб ҳисобламанлар”* маъноси келиб чиқади.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: *“Бир киши Пайгамбар (алайҳиссалом)дан рўзадор ҳолда қучоқлашиши тўғрисида сўраганда рухсат бердилар, бошқаси келганда эса рухсат бермайдилар”*. Воқеликка қарасак, Пайгамбар (алайҳиссалом) қучоқлашишга изн берган киши чол, қайтарганлари эса ёш йигит эди.

4. Назар солгани ёки ўйлагани оқибатида манийси тўкилса. Бу ишни қилган одам гуноҳкор бўлса-да, бироқ рўзаси очилмайди.

5. Ғийбат қилса ёки оғзини очишни ният қилса.

6. Ҳижома, оғир меҳнат, ёз кунларида иссиқ ҳаммомда узоқ қолиб кетиш каби рўза-дан заифлаштирадиган ишларни қилиш. Рў-задор киши агар ҳижома сабабли заифлашмаса, жоиз. Ибн Нужайм айтади: *“Ҳижома қилди-риш рўзага зид эмас. Агар у рўзадорни рўзага*

заифлаштирса, макруҳдир. Агар заифлаштирмаса, зарари йўқ”.

Имом Бухорий Ибн Аббос (розияллоху анху)дан ривоят қилинган ҳадисда: *“Пайгамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) рўзадор ҳолларида қон олдиридилар”*, – дейилган. Бу ҳақда Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам)дан сўралганда, у зот рўзадор учун қон олдиришга рухсат берганлар. Шунга биноан Анас (розияллоху анху) рўзадор бўлсалар-да, қон олдираверар эканлар. Имом Насоий Абу Саид ал-Худрий (розияллоху анху)дан ривоят қилишича, Пайгамбаримиз (соллаллоху алайҳи васаллам) рўзада хотинини ўпишга ва қон олдиришга рухсат берганлар. Шунинг учун бизнинг мазҳабимизда рўзадор одам қон олдириши мумкин бўлади. Бу билан унинг рўзаси очилмайди. Қон олдириш хоҳ тери остидан бўлсин, хоҳ томирдан қон олган бўлсин, фарқи йўқ. Демак, зулук ёрдамида бўлсин, игна ёрдамида бўлсин, қон олдириш мумкин. Бироқ бошқа олимларнинг ҳам фикрини инобатга олиб, иложи борича, ифтордан сўнг қон олдирган маъқул. Чунки юқорида таъкидланганидек, агар заифлик юз берадиган бўлса, қон олдириш макруҳ ҳисобланади.

7. Таҳоратдан ташқари ҳолатда ҳам оғиз ва бурунни чайиш. Бунда инсон ичига кириб,

рўзани очиб юбориш даражасида муболаға қилмаслик шарт қилинади. Шунингдек, рўзадор нам ёки қуруқ ҳолатда бўлса ҳам мисвок ёки тиш чўткаси ишлатиши мумкин. Бу борада Расулulloҳ (алайҳиссалом)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: “Рўзадор мисвок билан тишини тозалаши яхши амаллардандир”, — дейилади.

Имом Шофъеий (розияллоху анху) рўзадор куннинг иккинчи ярмида мисвок ишлатишини макруҳ ҳисоблаганлар. Чунки мисвок инсон таомни тарк қилиши натижасида оғзининг ҳиди ўзгариши, ҳадисларда “хулуф” деб аталмиш рўзанинг мақталган сифатини кетказади, деб ҳисоблаганлар.

Лекин мисвок ишлатганда милклар қонаса, ёки оғизга мисвок таъми сезилса, уни ютиб юбориб бўлмайди. Чунки бу рўзанинг очилиб кетишига олиб келиши мумкин.

Уламолар юқорида келтирилган далилларга асосланиб, бугунги кунда тишларни тиш пастаси ёрдамида ювиш макруҳ эканига иттифоқ қилганлар. Чунки унинг ҳиди ва таъми бор. Агар ундан сўлак орқали ошқозонга бирор нарса тушадиган бўлса, инсон рўзасини хатарга қўйиши мумкин.

8. Хизматчи нафл рўза тутиши сабабли иш берувчининг манфаатларига зарар етадиган бўлса, бу ҳолда унинг изни билангина

нафл рўза тутади. Агар иш берувчининг манфаатларига ҳеч бир зарар келтирмаса, бу ҳолда изн сўралмайди.

9. Иш туфайли фарз рўзани тарк қилишга рухсат йўқ. Аммо рўзадорга иш чоғида рўзани очишга шаръий узр пайдо бўлса рўзасини очади. Унинг зиммасига қазо лозим бўлади, каффорат эмас. Пулга муҳтож бўлган касб эгаси иш билан шуғулланса, соғлигига зарар етишини билса ҳам бемор бўлмасидан аввал рўзани очиши ҳаром саналади. Лекин бошлиқларга рамазонда қўл остидагиларга ишни енгиллатишга буйруқ берилган. Салмон Форсий (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: *“Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи васаллам) шаъбон ойининг охирги куни бизларга хутба қилдилар. Айтдилар... Ким рамазон ойида қўл остидагиларга енгиллик яратиб берса, Аллоҳ уни мағфират қилиб, дўзахдан озод қилади”*.

Шунингдек, ота ёки она фарзанди касал бўлиб қолишидан хавфсираб уни нафл рўзасини тутишдан қайтарса, уларга итоат қилиш афзал.

## РЎЗАНИ БУЗУВЧИ АМАЛЛАР

Рамазон ойида рўзадор киши рўза тутганини билиб туриб, қасддан таом ейиши, сув ичиши, аёлига яқинлик қилиши, дори бўладиган нарсаларни истеъмол қилиши орқали рўзаси очилади. Мўътабар манбаларда мазкур ҳолатлар диққат билан ўрганиб чиқилиб, уламолар рўзани бузувчи нарсалар ва унинг қазоси ва каффоратини вожиб қилувчи ҳолатларни батафсил ўрганиб чиққанлар. Қуйида рўзани бузувчи ишлар ҳақида сўз юритамиз.

1. Бурнига дори томизиб, сўнг ичига тортиш.

2. Эснаб бошини осмонга кўтарган вақтда ёмғир ва қор томчилари ёки тарновдан оққан сув томоғига етса. Чунки рўзадор эснаган вақтда оғзини қўли билан тўсиб, сув тушишининг олдини олиши мумкин.

3. Рўзадорнинг тишлари орасидан қон чиқиб, халқумига кирса ва халқумдан ичкарига ўтиб кетса, қони тупукдан кўпроқ ё баробар бўлса ёки таъмини сезса (тупукдан оз бўлса, рўза очилмайди).

4. Рўзадор тишини олдирса ва чиққан қон, уйғоқ ёки ухлаган ҳолда бўлишидан қатъи назар, ичига кирса рўзаси очилади. Агар қон бутун оғиз бўшлиғига тарқалиб кетиб, ундан

сақланишнинг имкони бўлмаса, унинг ҳукми ўзи қайтиб кетган қайт ҳукмида бўлади.

5. Бурни қонаб кетиб, уни тўхтатиш учун бошини тепага кўтариши натижасида қон ичкарига кетиб қолса. Бунда қазо лозим бўлади. Шунинг учун рўзадор бурнидан қон келиб қолса, томоғига қон кетишидан сақланиши керак.

6. Тишининг орасига кириб қолган нўхатдан каттароқ нарсани еса (ундан кичик бўлса очилмайди. Чунки одатда доимо оғизнинг ичида, тишларнинг орасида озгина таом қолиши бор.) ёки нўхатдан кичик нарсани оғзидан чиқариб туриб, кейин еса ҳам рўзаси бузилади.

7. Рўзадор қасддан қусуғини қайтариб юборса ёки оғзи тўлиб қайт қилса рўзаси бузилади. Қасддан қайт қилмаса оғиз тўлдирадими ёки йўқми рўза очилмайди. Агар қасддан, ўз ихтиёри билан қайт қилсаю, оғиз тўла бўлса рўза очилади, оғиз тўла бўлмаса очилмайди. Қусиб қусуғини қасддан ичкарига ютиб юборса, оз бўладими, кўп бўладими рўзаси очилади. Таом оғзига келиб, сўнг беихтиёр қайтиб кетса рўза очилмайди.

8. Кишининг орқа чиқиш йўли (йўғон ичак) чиққан бўлса (масалан, геморрой билан оғриган беморларда), уни ювгач, қурутмасдан олдин ўрнидан турса, рўзаси очилади. Агар

курутгандан сўнг ўрнидан турса, рўзасига таъсир этмайди.

9. Аёллар фойдаланадиган тампонлар (ёки пахта) бутунлай ичкарига кирса, рўзаси бузилади. Агар унинг бир тарафи ташқарида қолса рўзаси бузилмайди.

10. Бугунги кунда эркак ва аёлларнинг орқа тарафидан ҳамда аёлларнинг олд тарафидан қўйиладиган замонавий тиббиётда қўлланиладиган свечалар рўзани бузади.

11. Рўзадор аёл олд авратидан дори ёки суюклик киритса рўзаси очилади.

12. Бурун, кулоқ, орқа каби аслий йўллардан томизиш, клизма туфайли ичкарига ёки мияга бирор нарса етиб борса рўза очилади.

13. Шунингдек, икки турдаги жароҳатга дори қўйиш билан рўза очилишига фақиҳлар иттифоқ қилганлар. Биринчиси, бошдаги миягача етиб борадиган чуқур жароҳат; Иккинчиси, ошқозонга етиб борадиган жароҳат. Гўёки бу икки турдаги жароҳат мия билан ошқозонга бевосита нарса етиб боришига олиб боровчи жароҳатдир. Ошқозон ва мияга етиб борган чуқур жароҳатга даво қўйса, у жойларга етиб борса, Абу Ҳанифа (роҳимаҳумуллох) наздида рўза очилади. Булардан бошқа жароҳатлар қандай ҳолатда бўлмасин рўзани очмайди. Чунки бу жароҳатларга қўйилган

дорилар ошқозон ва мияга тўғридан-тўғри етиб бормайди.

14. Таблетка қабул қилиш билан рўза очилади.

15. Рўзадор киши қасддан, рўзадорлиги эсида туриб, тутун ютса, исирик ҳидини ичига ютса, доривор ўтларни буғини оғиз-бурни билан ичига ютса, рўзаси очилади.

## РЎЗАНИНГ БУЗИЛИШИДАН ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ОҚИБАТЛАР

Рузанинг бузилиши қазо ва каффорат ёки фақат қазони вожиб қиладиган оқибатларни келтириб чиқаради.

Қазо ва каффоратнинг вожиб бўлиши.

“Каффорат” луғатда “кетказиш”, “ўчириш” маъносини англатади. Масалан, “Аллоҳ таоло унинг гуноҳини каффорат қилди”, яъни “гуноҳини ўчирди”, “кетказди”. Истилоҳда эса бирор қилинган гуноҳ ишнинг каффорати эвазига ният билан қул озод қилиш ёки рўза тутиш ёки таомлантириш каби махсус амалга айтилади.

Каффорат вожиблиги жиҳатидан иқоб, яъни жазо бўлса, уни адо қилиш эса ибодатдир. Шунингдек, у тавбанинг мукаммал бўлиши бўлиб, уни тезлаштириш вожиб ҳисобланади.



Каффоратнинг вожиблигига далил.

Каффоратнинг вожиб эканига олти энг ишончли тўпламларда келтирилган қуйидаги ҳадиси шариф далил бўлади: Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: *“Пайгамбар (алайҳиссалом) билан бирга ўтирганимизда бир киши ҳузурларига келиб:*

*“Ё Расулulloҳ! Ҳалок бўлдим”, – деди.*

*“Сени нима ҳалок қилди?” – дедилар.*

*“Рўзадор ҳолимда аёлимга яқинлик қилдим”, – деди.*

*Шунда Расулulloҳ (алайҳиссалом): “Қул озод қилишга қурбинг етадими?” – деб сўрадилар.*

*“Йўқ”, – деди.*

*“Икки ой кетма-кет рўза тута оласанми?” – дедилар.*

*“Йўқ”, – деди.*

*“Олтиини нафар мискинга таом беришга нарса топа оласанми?”*

*“Йўқ”, – деди.*

*Пайгамбар (алайҳиссалом) бир оз кутиб турдилар. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га бир занбил хурмо келтирилди. У зот:*

*“Ҳалиги келган одам қани”, – деб чақиртирдиларда унга: “Мана буни садақа қилиб юбор”, – дедилар.*

*“Ё Расулulloҳ! Биздан кўра фақирроққами? Аллоҳга қасамки, у (Мадина шаҳри)нинг икки четининг орасида биздан кўра фақирроқ хонадон йўқ”, – деди.*

*Шунда Пайгамбар (алайҳиссалом) кулдилар, ҳатто тишларининг оқи кўринди. Сўнгра:*

*“Бор! Уни аҳлингга таом қилиб бер”, – дедилар”.*

Мазкур ҳадиси шарифдан, Рамазонда қасддан рўзасини очиб юборган одам энг аввал каффоратига кул озод қилиши, кул озод қилишга қодир бўлмаса, кетма-кет, орасини узмасдан икки ой рўза тутиши, икки ой кетма-кет рўза тутишга қодир бўлмаса, олтмиш мискинга таом бериши лозим экани келиб чиқади. Таъкидлаш лозимки, каффоратни адо қилиш Рамазон фарзини адо қилишни қасддан бузганда вожиб бўлади. Агар Рамазоннинг қазосини ёки бошқа рўзаларни қасддан бузса ҳам каффорат вожиб бўлмайди.

Шундай экан, Рамазон рўзаси фарзини адо қилишни ният қилиб тутган одам уни ўз ихтиёри билан бирор мажбурлашсиз ва шаръий узрсиз қасддан очиб юборса, ҳам қазосини тутади, ҳам каффоратини адо этади.

Рўзани бузиб, ҳам каффоратни, ҳам қазони вожиб қиладиган нарсалар:

1. Физо (одатда озуқа сифатида тановул қилинадиган барча нарсалар) ёки унинг маъносидаги нарсани шаръий узрсиз истеъмол қилиш. Дори, папирос, афюн, наша ва шунга ўхшаш нарсалар ҳам физо маъносидаги нарсалар сирасига киради. Ушбу ҳолатларда рўзасини очган одам ҳам қазосини тутади, ҳам каффоратни адо қилади.

2. Ким икки йўлдан бирига жинсий яқинлик қилса ёки унга яқинлик қилинса, маний нозил бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар рўзаси бузилади ҳамда қазо ва каффорат вожиб бўлади.

3. Эр аёлини мажбурлаб яқинлик қилса, агар аёл ҳам бошиданок хоҳлаб рози бўлса, қазо ҳам каффорат ҳам лозим бўлади. Агар аввалида рози бўлмай, эр яқинликни бошлаб юборганидан кейин рози бўлса, аёлга қазо лозим бўлиб, каффорат лозим бўлмайди.

4. Оғзига кирган ёмғир, қор ва дўлни ичига ютса, шунингдек, аёлининг тупугини ҳам лаззатланиш учун ютса рўзаси бузилади ҳамда қазо ва каффорат вожиб бўлади.

5. Бировнинг гийбатини қилганидан, қон олдирганидан, шахват билан ушлаганидан ёки ўпганидан, кучоқлашиб ётганидан, мўйлабини мойлаганидан кейин «Рўзам очилиб кетди», деган ўй билан қасддан еб-ичиб юборса, ҳам қазо тутиб, ҳам каффорат адо қилади. Фақиҳ

«Рўзанг очилибди», деб фатво берса, бундан мустасно. Унда фақат қазо тутади. Каффорат вожиб бўлмайди.

6. Бир рамазон ойининг бир неча рўзасини қасддан очган кишига битта каффорат кифоя қилади. Бир неча рамазон ойининг рўзаларини қасддан очган кишига ҳар бир рамазон ойи учун алоҳида-алоҳида каффорат тўлаши лозим бўлади. Беморлиги туфайли каффорат рўзани охиригача тутолмай қолган киши соғайиб кетгач бошидан бошлаб икки ой рўза тутади.

7. Каффорат вожиб бўлишини билмасдан Рамазоннинг рўзасини қасддан бузиб қўйган кишига ҳам каффорат лозим бўлади. Масалани билмаслиги узр саналмайди. Шунинг учун кетма-кет икки ой рўза тутади. Агар унга қодир бўлмаса, олтмишта мискинни икки маҳал овқатини беради.

Каффорат рўзасини тутаётган киши ёки аёл қайсидир узр туфайли икки ой ичида бирор кун рўзасини очиб юборса қайтадан бошлайди. Ҳайз кўриш бундан мустаснодир. Нифос эса мустасно эмас.

Ўзгаларнинг мажбурлаши туфайли рўза очилса қазо лозим бўлиб, каффорат вожиб бўлмайди.

Агар мусофир ё бемор бўла туриб рўза тутса-ю, кейин рўзасини очиб юборса, қазо лозим бўлади, каффорат вожиб бўлмайди.

## РЎЗАНИ ОЧМАЙДИГАН ВА МАКРУҲ БЎЛМАГАН АМАЛЛАР

1. Унутган ҳолда бирор нарса тановул қилиш, ичиш ёки аёлига яқинлик қилиш кабилар қандай рўза бўлишидан қатъи назар рўзани очмайди. Бунга Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг тўпламларида Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадиси шариф далил бўлади: *“Сизлардан бирортангиз рўзадор бўлиб, унутган ҳолда таом еса ёки ичса рўзасини охирига етказсин. Аллоҳ таоло уни таомлантирибди ва чанқогини қондирибди”*. Мазкур ҳадис таом ва ичимлик билан бир қаторда жимога ҳам тегишлидир. Қари, заифҳол рўзадор киши эсидан чиқиб овқатланаётган бўлса уни огоҳлантирилмайди. Агар ёш, кувватга эга бўлса, огоҳлантирилади. У эса огоҳлантирувни эшитгач оғзидаги нарсаларни ютмаслиги, дарҳол ташқарига чиқариб юбориши лозим бўлади. Ютиб юборса, рўзаси очилади. Қазоси вожиб, каффурати хусусида эса уламолар бир неча қавллар айтганлар.

2. Рўзадор ухлаган вақтда эҳтилом бўлиши рўзасини бузмайди. Бунга Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг куйидаги ҳадислари далилдир: *“Уч нарса рўзани бузмайди: ҳижома, қайт қилиш ва эҳтилом”*. Чунки эҳтиломда

жимонинг аёл ва эркакнинг яқинлик қилиши каби сурати ҳамда кўшилиш натижасида манийнинг тўкилиши каби унинг маъноси мавжуд эмас. Шу сабабли рўзадор уйқусида эҳтилом бўлиши рўзасини очмайди.

3. Оғизни чайгандан сўнг, унда қолган намлик, гарчи сўлак билан бирга ичга ютилса ҳам рўзани очмайди. Лекин оғизни чайгандан сўнг, унда қолган сув зарраларини тупук билан бирга чиқариб ташлаш учун бир неча бор муболаға қилмаган ҳолда тупуриш яхши ҳисобланади.

4. Кўзга дори қуйиш. Бироқ бошқа мазҳаб уламолари “рўза очилади” дейишади. Шунингдек, тиббиёт соҳасининг мутахассислари ҳам кўз орқали бурун, оғиз каби ҳалқумга йўл борлигини таъкидлашади. Шунинг учун рўзадор ҳолатда кўзига дори томизадиганлар саҳарликдан олдинга ва ифторликдан кейинга кечиктирганлари афзал.

5. Агар рўзадорнинг баданидан чиққан тер ёки кўзидан оққан бир-икки томчи кўз ёши оғзига кириб, сўлак билан аралашса, унинг таъми сезилмаса рўзаси бузилмайди. Бироқ кўз ёши кўп бўлиб, бутун оғиз бўшлиғида унинг шўрлиги сезилса ва уни ичига ютса рўзаси очилади.

6. Балғам ёки мишиқнинг кириши ёки чиқиши, шунингдек, тупуги ёки ютуниш

орқали томоғидан оғзига келган балғамни ютиши рўзани очмайди. Чунки мазкур нарсалар инсон танасидан ажралмайди. Агар танадан ташқарига чиққандан сўнг яна қайтарса бу ҳолда рўзаси очилади. Шу ўринда қайд этиш лозимки, Имом Шофеъий (розияллоху анху) наздларида рўзадор бурундаги мишиқ ёки балғамни чиқариб ташлашга қодир бўла туриб уни ютса рўзаси очилади. Шу сабабли бу каби ихтилофли ҳолатда эҳтиёт йўлини танлаш мандубдир.

7. Қусқи рўзадордан голиб келиб, яъни беихтиёр рўзадорнинг қасдисиз қайт қилса рўзаси очилмайди. Бунга Пайғамбар (алайҳиссалом)дан ривоят қилинган ҳадиси шариф далил: **“Уч нарса рўзани бузмайди: қон олдириш, қусқи ва эҳтилом”**. Қусқи рўзадорнинг қасдисиз ортига қайтса ҳам оз ёки кўплигидан қатъи назар рўзани бузмайди.

8. Рўзадорнинг орқатарафидан термометр қўйилса, агар у куруқ бўлса рўзасига таъсир қилмайди.

9. Рўзадор ошқозонни текширувчи куруқ бўлган махсус мослама (зонг)ни ютиб, сўнг қайтиб чиқарса рўзаси бузилмайди.

10. Агар субҳи содиқдан аввал ёки ифторликдан кейин жинсий аъзосига даволаниш мақсадида бирор нарса қўйса ва бу билан рўзадор ҳолатида ҳам юрса рўзаси

очилмайди. Орқа жинсий аъзосига киргизилган давонинг ҳам хукми шундай.

11. Эркаклар закарига дори ёки сув томизиб киритилса рўза бузилмайди.

12. Рўзадорни илон чақиши сабабли рўзаси очилмайди. Чунки унда рўзадорнинг на амали бор ва на танасининг саломатлиги учун фойда бор.

13. Ёнбош ёки мушакка укол қилиш билан рўза очилмайди.

14. Киндикка сув кирса ёки қулоққа ғусл чоғида сув кириб кетса рўза очилмайди. Қулоққа дори томизилса рўза очилишига, сув кирса очилмаслигига иттифоқ қилинган.

15. Малҳам дори ва шу каби воситаларни баданга суртиш билан рўза очилмайди.

16. Рўзадор аёл лабига бўёқ суртиши билан рўзаси очилмайди. Чунки лаб ташки аъзо ҳисобланади.

17. Ёш болани эркалаб ўпиш билан рўза очилмайди.

18. Сурма қўйиш.

19. Бадан, бош, мўйлаб ва соқолларга ёғ суртиш.

20. Рўзадор таҳоратдан ташқари оғиз-бурунини чайиши, салқинлаш мақсадида ғусл қилиши, бошидан сув қуйиши, сувнинг ичига тушиб олиши ва нам латгани баданига ёпиб олиши. Набий (алайҳиссалом) рўзадор



ҳолларида чанқоқ босгани ва иссиқлик туфайли бошларидан сув қуяр эдилар. Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) рўзадор ҳолатида латгани намлаб, баданига ўраб олар эдилар.

21. Рўзадор мушк, атир ҳушбўйликларни ҳидлаши макруҳ эмас, рўзани ҳам очмайди (исириқ, тутунларни ичига ютиш билан рўза очилади).

22. Заифлаштирмаса қон олдириш.

23. Қасддан ейилмайдиган ва ундан сақлашиш қийин бўлган нарсаларни ҳалқумдан ўтиши билан. Масалан: ҳавода учиб юрадиган майда ҳашаротлар, тутун, чанг каби.

24. Эркаклар сийдикни тўхтатиш, даволаниш мақсадида жинсий аъзосига бирор нарса киргизиб олсалар рўзаси очилмайди (аёллар шу каби ишни қилсалар рўзалари очилади).

25. Жунуб ҳолда субҳи содиқни қарши олиш.

### **РЎЗАГА ОИД БАЪЗИ МАСАЛАЛАР**

Маълумки, вақт ўтиши билан Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ва саҳобийлар даврида бўлмаган янги масалалар юзага келди. Уламолар ўша даврда мавжуд бўлган нарсаларга қиёсан ёки ижмо қилиш орқали уларга жавоб бериб ўтганлар. Рўза масаласи ҳам бундан мустасно

эмас, албатта. Қуйида уламолар томонидан баъзи замонавий масалалар юзасидан чиқарилган ҳукмлар билан қисқача танишамиз.

а) сигарета чекиш, тамаки ва носга ўхшаш воситаларни истеъмол қилиш билан рўза очилади.

б) нафас қисиш оқибатида томоғига аэрозол сепса рўзаси очилади. Чунки томоғдан ичкарига ўтган ҳар бир нарса рўзани очади. Аэрозол сепилганда ҳам дори ичкарига ўтади. Шунинг учун бундай касалликка дучор бўлганлар қишнинг қисқа кунларида аэрозолни ишлатмасдан рўза тутишга қодир бўлсалар, қазосини тутиб берадилар. Агар қишнинг кунда ҳам аэрозолни ишлатмасдан тура олмасалар, рўза тутиб, эҳтиётан ҳар кунига фитр миқдорича, яъни икки килограмм буғдойни ёки қийматини фидя қилиб бериб турганлари афзал.

в) бир шаҳарда баландда турган киши билан пастда турган кишининг рўзасини очиш вақтида фарқ мавжуд. Рўзани очиш куёшнинг ботган ёки ботмаганлигига боғлиқ. Таквимларда ёзилган вақтлар фақат пастдаги кишилар учун. Шунинг учун баланд уйда яшовчилар ёки минора, тоғ каби баланд жойда турганлар пастдаги кишилар билан бир хил вақтда оғиз очмайдилар. Балки турган

жойларида қуёш ботганига гувоҳ бўлсаларгина оғиз очадилар. Самолётда кетаётганлар ҳам қуёш ботганига қараб оғиз очадилар.

г) Ўз юртида рўза давом этаётган бўлса, унга ҳам рўза тутиш фарз бўлади. Аксинча, ўз юртида рўзадор бўлиб, бошқа давлатга борсаю, у ерда ҳайит куни бўлса, улар билан бирга ҳайит қилади. Кейин бир кун қазо тутиб беради.

## МУЎДАРИЖА

Рўзанинг фазилат ва ҳикматлари .....	3
Рўзага қандай савоб ва мукофот берилади? .....	10
Рўзанинг қандай ҳикматлари бор? .....	12
Рўзанинг руҳий ва маънавий фойдалари .....	14
Рўзанинг тиббий фойдалари .....	15
Рамазон ойининг фазилатлари ва хусусиятлари ..	18
Қадр кечаси фазилатлари.....	28
Рамазон рўзаси кимларга фарз?.....	36
Рўза тўғри бўлиши учун қандай шартлар бўлиши керак?.....	38
Рўзанинг суннат ва мустаҳаблари .....	40
Рўзанинг турлари .....	42
Тақиқланган рўзалар.....	53
Қачон рўза тутиш лозим бўлади.....	56
Ҳижрий ва милодий тақвимдаги фарқлар .....	57
Шак куни.....	59
Ойнинг бошланиши ва тугашига доир масалалар.....	61
Сахарлик ва ифторлик вақти.....	65
Рўзадорга макруҳ бўлган нарсалар .....	67
Рўзани бузувчи амаллар.....	72
Рўзанинг бузилишидан юзага келадиган оқибатлар .....	75
Рўзани очмайдиган ва макруҳ бўлмаган амаллар .....	80
Рўзага оид баъзи масалалар .....	84

С. СИДДИҚОВ, У. МИРСОДИҚОВ,  
Ж.КАРИМОВ

*ИСЛОМНИНГ БЕШ УСТУНИ:*

# РЎЗА

Тошкент ислом университети  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2017

*Ношир:* Саидафзал Саиджалолов  
*Муҳаррирлар:* Сарвар Очилов,  
Одина Эргашева  
*Мусахҳиҳ:* Тўлқин Норматов  
*Бадий муҳаррир:* Файзулло Собиров  
*Саҳифаловчилар:* Лутфулло Абдуллаев,  
Шахло Ҳикматова  
*Матн терувчи:* Зулфия Алимова

Нашриётнинг гувоҳнома рақами  
АІ № 224. 2012 й. 16 ноябрь.

Босмахонага 04.10.2017 йилда берилди.

Бичими 70x90 <sup>1</sup>/<sub>32</sub> Шартли б.т. 5,1. Нашр т. 5,3.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 59.

Баҳоси шартнома асосида.

Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа  
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.